

**MINISTRY OF THE HIGHER AND SECONDARY SPECIALISED
EDUCATION OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

UZBEKISTAN STATE WORLD LANGUAGE UNIVERSITY

On the right of manuscript

UDK

НОРМУРОВОДА САБИНА

**Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гаплар қиёсий
типологияси ва таржима масалалари**

5A120100 – Linguistics (English)

DISSERTATION

For academic Master's degree

The work has been discussed
and recommended for
defense,

The Head of Department

PhD. As Prof. Galieva M.R.

“ _____ ” 2016y.

Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гаплар қиёсий

типологияси ва таржима масалалари

МУНДАРИЖА

Кириш -----	2
I боб. Қўшма гапларнинг лисоний-назарий масалалари	
§1. Қўшма гап ҳақида умумий маълумот.	
§2. Қўшма гап таснифи.	
§3. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма гапларнинг қиёсий характеристикаси.	
I боб бўйича хулосалар.	
II боб. Таржима назариясининг умумлингвистик муаммолари	
§1. Таржиманинг асосий йўналишлари -----	8
§2. Қиёсий типология ва таржимашунослик -----	18
§3. Таржима ахборот алмашиш воситаси сифатида - -----	28
II боб бўйича хулосалар	
III боб. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма гаплар қиёсий таҳлили	
§ 1. Қўшма гаплар таржимаси муаммолари -----	36
§ 2. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гаплар қиёсий типологияси -----	49
§ 3. Инглиз тилидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик таҳлили-----	55
III боб бўйича хулосалар-----	
Умумий хулоса-----	70
Адабиётлар рўйхати -----	73

Кириш

Мамлакатимизда амалга оширилаётган “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур” (1997 йил) таълим ва тарбиянинг юқори даражага кўтарилишини, миллат маънавияти ва билимдонлиги ривожини халқ таълимининг инсоний-гуманитар хусусиятлари тўлиқ таъминланишини, илғор педагогик технологияни жалб қилиш асосида унинг тубдан янгиланиши ҳамда илму фан тараққиётини назарда тутади.

Шу жумладан, тилшунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг жадаллаштирилиши миллий дастурда белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва таълим тизимини мукаммаллаштириш учун муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 1875 – Қарорига асосланиб тарғиб қилинаётган тил сиёсати тилшунослик фани тараққиётининг назарий асосини ташкил қилиб, унинг амалий вазифаларини ҳам белгилаб беради. Мамлакатимизда она тили билан бир қаторда, хорижий тилларнинг илмий таҳлили ва шу аснода, уларни ўқитишнинг миллий услубларини яратиш замон талабига айланди (А.Абдуазизов, Ж.Бўронов, Ж.Жалолов, Ў.Юсупов, А.М.Бушуй ва бошқалар). Бу борада, айниқса, нутқий мулоқотнинг асосий бирлиги бўлган гапни, унинг ташкилий қисмлари, мантикий ҳамда мазмуний хусусиятларини ўрганиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мавзунинг долзарблиги: Сўнгги пайтларда кўшма гап таркибига кирувчи бирликларни уларнинг нутқий мулоқот жараёнида фаоллашуви, бажараётган коммуникатив вазифаси нуқтаи назаридан ўрганиш ҳаракати кенг тарқалмоқда. Натижада, синтактик таҳлил гап структурасидан ифода қилинаётган маъно ва мазмун доирасига кўчиши кузатилмоқда. (В.А.Звегинцев, Г.В.Колшанский, Г.Г.Почепсов, И.П.Иванова, Н.Д.Арутюнова, А.Нурмонов ва бошқалар). Бу нарсалар, биринчи навбатда, феъл семантикаси ҳодисасига нисбатан бўлган аввалги хулосалардан

кўпчилигининг қайта кўриб чиқилиши ва тўлдирилишини тақозо қилади. Гапнинг моҳиятини очиб бериш учун унинг конструктив-синтактик жиҳатдан тутган ўрнини аниқлаш зарур.

Гапнинг семантик қурилиши нутқий тузилма орқали ифодаланадиган воқеликка ва нутқнинг коммуникатив шароитларига боғлиқ. Аммо шу пайтгача кўшма гап, гап таркибидаги эргаш гапларнинг коммуникатив-семантик хусусиятлари, уларнинг таржимаси масалалари тўлиғича ёритиб берилмаган. Шунинг учун ҳам бу муаммо ушбу диссертация иши учун **тадқиқот объекти** сифатида танланди.

Ушбу магистрлик диссертацияси муҳим умумлингвистик муаммолардан бири бўлиши “Тил ва воқелик” муаммоси тизимида, матн таҳлили ва таржимаси доирасида амалга оширилади ва тадқиқот учун диалектиканинг инъикос назарияси бўлиб хизмат қилади.

Айтиш жоизки, диссертация устида ишлаш жараёнида умумий ва хусусий тилшуносликда ушбу соҳада яратилган монографик тадқиқотлар (Н.Д.Арутюнова, Д.У.Ашурова, М.И.Расулова, А.Т.Ирискулов, Ў.Ю.Осупов, И.П.Сусов, В.М.Павлов, В.В.Бурлакова, С.Рахимов, А.С.Содиқов, М.А.Абдуразоков, Н.Махмудов, Б.Турсунов ва бошқалар) чуқур ўрганилди ва улардан унумли фойдаланилди.

Диссертациянинг мақсад ва вазифалари.

Кузатишлар кўрсатадики, синтаксисга оид ҳар қандай тадқиқот биринчи навбатда гапнинг коммуникатив хусусиятини ҳисобга олиши лозим.

Шу жиҳатдан ушбу магистрлик диссертациясида қуйидаги вазифаларни бажариш белгилаб олинди:

1. Синтактик семантика ёки семантик синтаксис нуқтаи назаридан эргаш гапли кўшма гапларнинг тилдаги ўрнини аниқлаш;
2. Эргаш гапли кўшма гапларнинг тил структурасидаги фаоллаштирувчи вазифасини бошқа воситалар, биринчи навбатда гапдаги эргаш гаплар семантик структурасидаги вазифасидан ажратиш ҳамда уларнинг ўзаро алоқасини инобатга олиш;

3. Эргаш гапли қўшма гаплардаги турли феълларнинг коммуникатив вазифасини, уларнинг лексик-семантик хусусиятларини эътиборга олиб, турли хил синтактик конструкцияларда улар бажарадиган вазифалардаги фарқларни тушунтириш.

Қўйилган ушбу вазифалар ишнинг таҳлил услуби ва баён қилиш тартибини белгилаб берди. Эргаш гапли қўшма гаплар бажарадиган коммуникатив вазифалар ўртасидаги ўзаро алоқаларни кўриб чиқиш зарурати эргаш гапларнинг қўшма гап таркибидаги структуравий функциясининг гап синтактик структураси хусусиятларидан фарқлаш эҳтиёжини туғдиради ва натижада айрим ҳолларда эргаш гапли қўшма гаплар таркибидаги кесим феълларнинг инглиз ва ўзбек тилларидаги далилларини қиёсий таҳлил қилишга тўғри келади. Таъкидлаш лозимки, турли хил сатҳларига оид бўлган ҳодисаларни таққослаш генетик жиҳатдан бир биридан узоқ бўлган тиллар қиёсланганда ва тил тизимидаги сатҳлараро синонимлар белгиланганда ҳамда қиёсланадиган тиллар тизими сатҳларининг ўзаро муносабати ўрганилганда ўзини оқлайди. (Бўронов 1983 йил, 5).

Шу сабабли эргаш гапли қўшма гапларнинг коммуникатив вазифаси мавжудлиги, нутқда бу бош феъл-кесим билан боғланаётган предмет (от референти) кўрсатилиши шартлилиги муносабати билан ушбу ишда эргаш гаплар эгалари ва референтлари ўртасидаги ашёвий алоқадорлиги турларини фарқлашда бевосита кузатиш усулидан фойдаланилди. Шунингдек, мазкур диссертацияда таржиманинг турли усуллари, қолаверса, тасвирий, қиёсий ва чоғиш тирма, трансформацион анализ, субституция, синтактик деривация ва синтактик таҳлил каби бошқа методлардан кенг фойдаланилди.

Диссертация мазмунини баён қилиш қуйидаги режа асосида амалга оширилди:

Биринчи бобда қўшма гаплар, хусусан, эргаш гаплар тўғрисида умумий маълумот берилади. Қўшма гапларнинг таснифи тўғрисида тўхталиш билан бирга, инглиз ва ўзбек тилларида эргаш гапларнинг қиёсий характеристикаси

берилади.

Иккинчи бобда таржима назариясининг ҳозирги ҳолати, шунингдек, таржима жараёнида кузатиладиган муаммоли ҳолатлар тўғрисида сўз юритилади.

Учинчи бобда таржима қилинаётган гапларнинг семантик-синтаксис ёки синтактик-семантика назариясининг ҳозирги аҳволи танқидий нуқтаиназардан ўрганилиши ва инглиз тилидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг ўзбек тилига таржима қилиш шакллари ва йўллари ўз ифодасини топган. Шунингдек, ушбу бобда матн таркибидаги грамматик воситалар аниқланиб, уларнинг коммуникатив функциясига кўра гап таркибидаги семантик фаоллаштирувчи ва характерловчи вазифалари очиб берилди, турли лексик-семантик гуруҳлардаги эга отларнинг кесим феъллар билан ҳар хил муносабатда қўлланилиш хусусиятлари баён қилинди.

Тадқиқот материали

Диссертация учун XX аср америка ва инглиз ёзувчилари асарларидан, газета материаллари, ўзбек ёзувчилари асарларидан танлаб олинган гаплар, мақол ва маталларасосий манба бўлиб хизмат қилди. Тўпланган мисоллар эргаш гапли қўшма гапларнинг барча структуравий ва семантик турларини ўз ичига олган.

Диссертацияда ўз ечимини топган қуйидаги мулоҳазалар муҳокамага қўйилади:

1. Қўшма гаплар, хусусан, эргаш гапли қўшма гаплар назариясида ўзгаришлар кузатилмоқда.
2. Таржима назарияси ҳозирги замон фанида алоҳида долзарбликка эга бўлган масалалардан бири бўлиб турибди. Бу нарсa тиллараро ва маданиятлараро алоқаларнинг кучайиши, турли халқлар адабиёти намоёндалари асарларини жаҳоннинг бошқа тилларига таржима қилиш заруриятини туғдиради. Алоқаларнинг тўлақонли бўлиши адабий ва бошқа турдаги таржималарга бўлган талабнинг ўсишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

3. Таржима амалиётида учрайдиган муаммоларнинг ечими таржима назарияси томонларини таҳлил қилишни тақозо қилади. Содда ва қўшма гаплар структурасида рўй берадиган турли жараёнлар таржимада ҳам тўғри акс эттирилганидагина ўзга тилда сўзловчи шахслар оригинал тилда ифода қилинаётган фикрларни тўлалигича қабул қила олишига эришади.
4. Қўшма гап синтаксиси инглиз тили грамматикасининг энг муаммоли томонларидан бири бўлганлиги учун уни таржима қилиш ҳали қаторқийинчиликларни туғдиради. Буларни ечиш учун эргаш гапларнинг ҳар бир турининг табиатини ўрганиб чиқиш керак.
5. Эргаш гапли қўшма гапларнинг тилда ўзига хос ўрни мавжуд эканлиги нутқ номинацияси эҳтиёжларининг асосий шарти ҳисобланади ва гап моделидаги таркибий ўринларнинг нутқдаги реализацияси воқеликни гапда ифодаланадиган алоҳида-алоҳида қисмлар – предмет-ҳодиса боғланиш жараёнининг ташкилий қисмлари сифатида шаклланади.
6. Қўшма гаплар референциал структураси от референтининг нутқий номланишида иштирок этади, бунда у синтактик конструкция мазмунини чегаралаш вазифасини бажариши лозим.
7. Қўшма гаплар структурасини ташкил қилувчи етакчи элементларнинг функционал аспекти чегаралаш вазифаси нутқда маълум ҳолатларда шунга олиб келадики, гапдаги белгилар тингловчи гап семантикасида мураккаб маъно борлигини ажратиб кўрсатишга хизмат қилади.
8. Инглиз тилидаги қўшма гаплар ўзбек тилига таржима қилинганда тўлиқ грамматик мослик кузатилмайди, бу тиллар турли тизимга мансуб бўлганлиги учун бу соҳада қисман мос тушиш ёки умуман мос тушмаслик ҳодисаси кузатилади.
9. Инглиз тилидаги эргаш гаплар ўзбек тилига кўпҳолатларда қўшма гаплар кўринишида эмас, балки сифатдошли ва равишдошли мураккаб қурилмалар ёрдамида таржима қилинади. Бу нарса ўзбек тили грамматикасида қўшма гапларнинг аниқ чегараланмаганлиги билан изоҳланади.

Ишнинг илмий янгилиги шундаки, мақсад ва натижа эргаш гапли қўшма гапларнинг функционал-семантик хусусиятлари ва таржима қилиш йўллари тизим тарзида изчил таҳлил қилиш таржимашунослик, таржима назарияси ва амалиёти, инглиз тили назарий грамматикаси соҳаларидаги тадқиқот ва дарслик, адабиётларда мавжуд бўлган айрим номутаносиблик ва чалкашликларни бартараф қилади. Тадқиқот натижалари тил тизими лингвистик таҳлилини функционал грамматика нуқтаи назаридан амалга ошириш имкониятини беради. Бундан ташқари, таклиф қилинган услуб ва эришилган назарий хулосаларбошқа турдаги ҳодисаларни таҳлил қилиш ва ўрганиш учун туртки бўлади.

Диссертация материаллари ва хулосаларидан таржима назарияси ва амалиёти, оғзаки ва ёзма таржима, инглиз тили назарий ва амалий грамматикаси курслари мазмунини қайта тузишда фойдаланиш мумкин.

Ишни илмий жамоа синовидан ўтказиш

Диссертация мавзуси ЎзДЖТУ таржима назарияси ва амалиёти факультети томонидан ишланаётган комплекс мавзунинг таркибий қисми бўлиб, у магистратура бўлими илмий кенгашида тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши. Диссертациясига кириш, 3боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

ЎБОБ. ҚЎШМА ГАПНИНГ ЛИСОНИЙ-НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Қўшма гап ҳақида умумий маълумот

Мазмун ва грамматик жиҳатдан турли воситалар ёрдами билан ўзаро бирикиб, оҳанг бутунлигига эга бўлган яхлит бир тушунчаифодаловчи икки ва ундан ортиқ содда гаплардан тузилган гаплар **қўшма гаплар** дейилади.

Қўшма гапларнинг грамматик асоси икки ва ундан ортиқ гаплар бўлиб, унинг таркибидаги қисмлар мазмунига кўра ўзаро бирикиб бир бутунликни ҳосил қилади. Масалан: *Ватанни сев, тупроғини ўп, Қадрдондир ҳар қарич ери.* (О.) Бу қўшма гап таркибида (сев, ўп, қадрдондир, ери) грамматик асослар бўлиб, улар ўзаро оҳанг ёрдамида бириккан. *Ҳар гулнинг ўз ҳиди ва чиройи бўлганидек, ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одати, маданияти боғлайди.* (Газетадан.) Бу қўшма гап таркибида (*ҳиди ва чиройи бўлганидек, урф-одати, маданияти бўлади*) грамматик асослар бўлиб, унда қиёслаш, чоғиштириш муносабати ифодаланган.

Қўшма гап қисмлари ўзаро ёрдамчи сўзлар (боғловчилар, кўмакчилар, юкламалар), боғловчи вазифасидаги сўзлар, турли қўшимчалар, оҳанг орқали боғланади. Мисолларни қиёслайлик: 1. *Баҳор келди, гуллар очилди.* 2. *Баҳор келди ва гуллар очилди.* 3. *Баҳор келиши билан гуллар очилди.* 4. *Баҳор келгач, гуллар очилди.* 5. *Баҳор келди-ю, гуллар очилди.* Бу гапларнинг биринчиси оҳанг орқали, иккинчиси боғловчи, учинчиси кўмакчи, тўртинчиси -гач қўшимчаси, бешинчиси юклама орқали боғланган. Шу хусусиятларига кўра қўшма гаплар қуйидаги турларга бўлинади: Оддий қўшма гап, мураккаб қўшма гап.

Тилшунослик фани тараққиётининг ҳозирги даврига қадар жаҳон тилшунослигида, шу жумладан ўзбек тилшунослигида ҳам қўшма гап ва унинг назарий асосларини ўрганиш буйича салмоқли тадқиқот ишлари амалга оширилди. Бу соҳада етакчи тилшунослар Г.Абдурахмонов, М.Асқарова ва бошқалар томонидан фундаментал тадқиқотлар бажарилдики, бу ўз навбатида, ўзбек тилшунослигининг тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, мазкур тадқиқотлар тилшунослик

фанининг ҳозирги тараққиёти даврида илмий асосланаётган матн лингвистикаси учун зарурий илмий материаллар базасини вужудга келтирди¹.

Қўшма гапларнинг формал-функционал таҳлили бобида Р.Сайфуллаеванинг ҳам улуши катта бўлди. Олима масала тавсифига формал-синтактик нуқтаи назардан ёндашади ва қўшма гапларни нутқнинг микроматн назарияси асосида ўрганиш масаласига жиддий эътибор беради².

Айни пайтда шуни ҳам айтиш керакки, қўшма гапларда матнга хос белгилар мавжудлиги табиийдир. Буни бир неча гапларнинг ўзаро муносабати натижасида тугалланган фикр ифодаси берилишида кузатиш мумкин. Бироқ бу билан биз қўшма гап тушунчасининг қўлланилишига эътироз билдирмоқчи эмасмиз. Гап шундаки, содда гап ҳам, қўшма гап ҳам матн мақомида келганида (масалан, абзац мақомида), «гап» терминидан ва унинг синтактик таҳлилида қўлланиладиган қоидалардан фойдаланиб бўлмайди. Уларни матн тушунчасидан ҳоли ҳолда талқин этганимизда, албатта, анъанавий терминлардан ва гап бўлаклари тушунчасидан фойдалана оламиз.

Аммо А.М.Пешковский «қўшма гап» терминиҳақида мулоҳаза юритганида бир неча гап битта гап деб аталаётганлиги турли англашилмовчиликларга сабаб бўлаётганлигини ҳамўз даврида эслатиб ўтган эди. Назаримизда Пешковскийнинг мазкур мулоҳазаси қўшма гап сатҳида матн залвари мавжудлиги билан узвий боғлиқдир.

Зотан, қўшма гапнинг ҳар қандай турида ҳам ўзаро боғланаётган гапларнинг мазмуний ҳамда шаклий жиҳатдан яхлитликни, тугалланган фикр ифодасини кўрамиз. Қўшма гапларда бу жиҳатдан матн белгилари мавжудлигини А.Шахматов, В.А.Богородицкийлар ҳам таъкидлаб ўтишган эди. Шунга кўра, А.А.Шахматов бундай қурилмаларга нисбатан «гапларнинг бирикуви» терминини қўллаган бўлса, А.Богородицкий уларни яхлит структура ифодаси тарзида талқин этади².

Қўшма гап хусусида бу сингари мулоҳазалар ҳозирги

тилшунослигимизда ҳам айtilмокда. Бунга кўплаб далиллар келтириш мумкин. Уларнинг баъзилари билан қуйида танишиб ўтамиз.

М.В.Ляпоннинг бу хусусдаги фикри қуйидагича: «Қўшма гап икки ёки ундан ортиқ нисбий тугал маънога эга булган хабар бўлакларининг ўзаро бирикувини ташкил этар экан, ундан матнга хос бўлган жиддий белгиларни изламоқ лозим»³.

Н.С.Валгина полипредикатив характерли қўшма гапларда матннинг реал ифодаси мавжудлигини таъкидлайди⁴.

Е.П.Марченко тадқиқотларида ҳам қўшма гап (полипредикатив қурилма) матн белгиларига эга эканлиги ваулар проспекция, ретроспекция, интеграция, континуум кабилардан иборатлиги кўрсатилади¹.

Б.Турниёзовнинг тадқиқотларида ҳам қўшма гапларда юқорида эслатиб ўтилгани каби, микроматн белгилари таъкидланади ва бунда тил ҳамда нутқ бирликларининг поғонали муносабати қонуниятига асосланилади.

Ана шулардан келиб чиқиб, қўшма гапларни матн лингвистикаси нуқтаи назаридан микроматн қолипидаги мураккаб синтактик қурилмалар тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқ кўринади. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, қўшма гапларни фақат мустақилҳолда олганимиздагина уларнинг микроматн мақомиҳақида сўз юрита оламиз, макроматн таркибида эса улар шу матннинг компоненти сифатида фаоллик кўрсатади.

Ҳар қандай мураккаб синтактик қурилмада ҳам хабар ифодасининг тугаллиги, яхлитлиги ўз аксини топади:

1 .*Мовароуннаҳрнинг бепоён далаю даштларида на қору,на ёгин-сочинбор, ерлар тарашадек қотган, ҳамма ёқда қаҳратон қор, совуқ ҳоким (Мирмуҳсин. Темур Малик).*

2. *Аммо ҳисоб, жабр, ҳандаса, жузрофия, тарих, фалакиёт, тиббиёт каби халқларнинг маданияти ва тараққиётига хизмат қиладиган яна кўп илмлар борки, уларнинг тақдири қақида уйлаш бугунги оламушул вазифамиздир (Ойбек. Улуг йўл).*

Келтирилган мисолларда берилаётган мураккаб синтактик қурилмалар

ҳажман фарқ қилсада, уларда фикр ифодасининг тугаллиги компонентлари ўртасида боғланишлилик ҳамда синтактик алоқа матнга хос даражада воқеланганлигини кўрамиз. Уларнинг биринчиси боғловчисиз шаклланган тенг компонентли, иккинчиси эса аниқловчи - аниқланмиш қолипида -ки боғловчиси воситасида воқеланган тобе компонентли мураккаб синтактик қурилмалардир. Айни пайтда ҳар икки қурилмада ҳам матнга хос очик структуралик ҳодиса кузатилади. Бошқача айтганда, уларни шаклий жиҳатдан кенгайтириш ҳам, агар лозим бўлса торайтириш ҳам мумкин. Бироқ баъзи тилшунослар, масалан, Е.П.Марченко мазкур полипредикативлик синтактик қурилмаларда гапга хос бўлган белги-хусусиятлар ҳам мавжудлигини эслатиб ўтади¹. Бу фикр билан қўшилиш мумкин. Чунки мураккаб синтактик қурилма микроматнни тақозо этар экан, унда гапга хос белгилар мавжуд бўлиши табиийдир. Унинг таркибий қисмларида, агар лозим бўлса, гапнинг бош ва иккинчи даражали бўлақларини белгилаш мумкин. Зотан, матн мақомида мустақил гап ҳам кела олади. Аммо матн таҳлилида гап бўлақларига мурожаат этиш учун зарурат сезилмайди. Бошқача айтганда, мустақил гап ҳам, қўшма гап ҳам матн тарзида талқин этилганда уларнинг лингвистик мақоми ўзгаради.

Мураккаб синтактик қурилмалар микроматн сифатида икки ва ундан ортиқ компонентлар муносабатидан ташкил топади. Бунда компонентлар муносабати тенгликка ёки тобеликка асосланиши мумкин. Компонентлар муносабати тенгликка асосланганда улар ўртасидаги бирикиш боғловчисиз ёки боғловчили бўлади. Компонентлар муносабати, боғловчисиз ёки боғловчили воқеланишидан қатъи назар, микроматн семантик жиҳатдан ҳам, синтактик жиҳатдан ҳам тўлиқ шаклланади. Қуйида дастлаб боғловчисиз воқеланган мураккаб синтактик қурилмаларнинг микроматн мақомига эътибор берайлик:

Қадрингиз билинмоқда, қиблагоҳим, беклар сизнинг номингизга иснод уюштирмоқдалар, ҳокимлар тожсу тахталашиб, бир-бирларининг суяқларини гажимоқдалар, бунингдек аҳволда сиз бино қилган давлат

таназзулга юз тутгай (А.Дилмурод. Махмуд Торобий).

Келтирилган микроматн таркибий қисмлари алоҳида семантик ва синтактик структураларга эга бўлган тўрт гапдан иборат бўлиб, бу ўринда микроматн боғловчиларсиз шаклланганлиги учун унинг компонентлари муносабатлари биринчи галда семантик боғланишга таянмоқда, зотан, ҳар бир гап иккинчисининг (ўзидан олдингисининг) мазмуний салмоғини тўлдириш учун хизмат қилмоқда. Бу эса улар ўртасида семантик узвийликни ташкил этади.

Мазкур микроматн компонентлари ўртасидаги синтактик алоқаларнинг ҳам бекаму кўстлигини кўрамиз. Бунинг учун асосий масъулият гапларнинг кесимларига, охирги гапда эса бунингдек сўзига юклатилмоқда. Бошқача айтганда, кесимларнинг - моқда, - моқдалар тарзидаги морфологик унсурлар билан тугаши, охирги гапда эса уларнинг бунингдек сўзи орқали умумлаштирилиши синтактик муносабатлар воқеланиши учун хизмат қилмоқда.

Микроматн компонентларининг бу сингари семантик ва синтактик алоқасини қуйидаги мисолда ҳам кузатишимиз мумкин:

Баҳор шамоли ҳилтиллаб эсади, кўклам ўсимлиги визиллаб ўсади, тоғ этагидаги яшилликлар юмиоқ, ел билан силкиниб енгил тулқинли дарё каби кузларни қамаштиради, сабза тўлқини гоҳу томонга, гоҳ бу томонга сурилиб, томоша дарёсига ғарқ бўлган назарларни адаштиради (С. Айний. Судхўрнинг ўлими).

Шуни ҳам айтиш лозимки, бундай қўшма гаплар компонентларининг синтактик алоқасининг вужудга келишида интонация иккинчи даражали омил ҳисобланади. Бунинг асосий сабаби шундаки, мураккаб синтактик қурилмалар компонентларининг семантик боғланиши биринчи галда уларнинг дистрибутив хусусиятларига кўра воқеланади. Агар улар семантик дистрибуция қуршовида келмас экан, ҳеч қандай боғланиш руй бермайди. Бундай вазиятда интонациянинг боғловчи вазифасида анча кучсиз эканлигини кўрамиз. Бошқача айтганда, микроматн компонентлари ё

тўғридан тўғри семантик муносабатда, ёки матннинг умумий мазмунига таянувчи радиал муносабатда бўлади.

Баъзи тилшунослар мураккаб микроматн турларидан бири бўлган боғловчисиз кўшма гапларни мутлақо тан олмайдилар. Масалан И. Ф. Вардуль учун фақат тобе компонентли кўшма гап мавжуд. У боғланган кўшма гапларини умуман рад этади. Вардулнинг фикрига кўра, одатда, боғланган ёки тенг компонентли кўшма гап деб аталиб келинаётган синтактик қурилмалар гапларнинг ўзаро боғланиш занжиридан бошқа нарса эмас. Бундай гапларни кўшма гап компоненти деб атаб бўлмайди, зотан, уларнинг ҳар бири том маънода гап мақомига эгадир. Эргаш гапли мураккаб синтактик қурилмаларни эса кўшма гап деб номлаш мумкин. Бунинг асосий сабаби тобе гап ҳоким гапнинг компоненти (бўлаги) эканлигидадир. Шундай булгач, «эргаш гапли кўшма гап» термини ҳам ортиқча бўлиб қолади ва бундай қурилмани содда қилиб «кўшма гап» деб аташ кифоядир.

Вардуль бундай мулоҳаза таниқли тилшунослар А.С.Бархударов, Г.В.Колшанскийлар томонидан ҳам айтилганлигини таъкидлайди. Умуман олганда, И.Ф.Вардуль «кўшма гап» термини ўрнига «период» терминини қўлланишни афзал билади. Чунки гапни (кўшма гапни) гапларга бўлиб бўлмайди, уни бўлақларга (члены предложения) ажратиш мумкин¹.

И.Ф.Вардулнинг мулоҳазалари, бизнингча, баъзи ғализликлардан ҳоли эмас. Боғланган кўшма гап хусусидаги фикр ўринли бўлса-да, эргаш гапли кўшма гап ҳақидаги мулоҳазага қўшилиш қийин. Чунки мазкур кўшма гапнинг айрим турларида мазмуний нуктаи назардан тобе гап бош гапга нисбатан салмоқлироқ бўлади. Масалан, буни натижа эргаш гапли кўшма гапларда кўриш мумкин. Ғ.Абдурахмоновнинг тўғри таъкидлашига кўра, натижа эргаш гап бош гапдаги ҳаракат, хусусиятнинг қандай равишда бажарилишини эмас, балки шу-ҳаракатдан келиб чикадиган натижани ифодалайди: *Зал шундай тинч бўлиб қолдики, агар ҳозир пашша учса ваҳимали бўлиб эшитилар эди (А. Мухтор) .*

Кўринадики, агар -ки боғловчиси ва шундай нисбий сўзи туширилса,

қўшма гап таркибида муносабатга киришаётган ҳариккала гап ҳам мустақил мақомга эга бўлиши мумкин. Шу боис Вардуль масала тавсифига деривацион муносабат қонуниятлари нуқтаи назаридан ёндашганида мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Бу ҳақида И.Н.Кручинина қуйидаги фикрда: «... Боғловчисиз қўшма гаплар синтактик формата эга эмас ва шу боис улар синтактик бирлик саналмайди. Боғловчисиз қўшма гап деб, анъанага кўра номланиб келинаётган мураккаб қурилмалар гапларнинг кетма-кет келишини тақозо этувчи матндир»¹.

И.Н.Кручининанинг мазкур фикри билан қўшилиш мумкин. Бироқ боғловчисиз шаклланган мураккаб қурилмаларнинг синтактик мақоми мавжудлигини кескин инкор этиб бўлмайди. Бундай қурилмаларда боғловчи вазифасидаги грамматик воситалар қатнашмаса ҳам, уларнинг компонентлари синтактик муносабати турли хил морфологик унсурлар (лексик такрор, синонимик воситалар, олмошлар ва х. к.) кўмагида воқеланади. Бу эса, ўз навбатида, боғловчисиз мураккаб синтак қурилма синтактик мақомга эга эмас, деган хулосага келишга монелик қилади.

Боғловчисиз шаклланган мураккаб синтактик қурилма компонентларининг синтактик боғланиши, юқорида эслатиб ўтилгани сингари, улар таркибида қўлланаётган турли морфологик унсурлар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бундай вазиятда, албатта, анашу унсурлар синтактик жиҳатдан ҳам, семантик нуқтаи назардан ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Тожибой ҳожи меини олиб сув қидириб кетди, ҳаддан тацқари ҳориган, газабнок, таишиноқ Муқимий тепаликка чиқиб, Бухоро томонга қараганча қотиб қолди: Муқимий кўз ўнгида гишт билан кесакдан бунёдга келган қадимий Бухоронинг диққинафас манзараси гавдаланди (С.Абдулла. Мавлоно Муқимий).

Берилган микроматн компонентларининг ўзаро синтактик муносабати икки гапда такрор қўлланаётган *Муқимий* сўзи орқали ҳамда

гапларнинг мазмунан узвийлиги воситасида воқеланмоқда. Шу нарса характери, матн компонентларининг ўзаро боғланиши лексик-морфологик воситалар билан қанчалик кўп боғлиқ бўлса, бу ўринда интонациянинг мавқеи шунчалик кўп пасаяди.

Боғловчили мураккаб синтактик қурилма қолипидаги микроматн компонентларининг синтактик муносабати боғловчи ёки унинг вазифасини бажараётган юклама воситасида шаклланади. Мазкур воситалар синтактик қурилмада нафақат боғловчи, балки унга микроматн мақомини берувчи омиллардан бири ҳам саналади:

1. *Янтоқ олови тандирни ёриб тешиб кетгудай гуриллаб, тандир ичида ёлқунлар қувишиб уйнашмоқда ва унга яқин турган Муҳаммад Аминхўжанинг юзи ва кўкси унинг ҳароратидан лоладек қизариб кетган эди (С. Абдулла. Мавлоно Муқимий).*
2. *Бозорқул ётолмади, ўрнидан туриб кетди, келган изига тикилиб қаради, лекин у кўринмас, уни чексиз қора тун ютган эди (А. Мухтор. Чинор).*

Келтирилган мисолларнинг биринчисида ва бириктирув боғловчиси иштирокида шаклланган, иккинчисида эса лекин зидлов боғловчиси қатнашган микроматнларни кўрамыз. Ҳар икки ҳолатда ҳам мураккаб синтактик қурилмалар бирдан ортиқ гапларнинг ўзаро боғланишидан тугал хабар ифодасини берувчи яхлит структурани ташкил этмоқда. Бу эса, уз навбатида, матн шаклланиши учун восита бўлмоқда. Бу ўринда шуни ҳам айтиш лозимки, боғловчилар микроматннинг фақат икки компонент ўртасида синтактик фаоллик кўрсатади ва М.И. Черемисинанинг таъбири билан айтганда, улар ўз функционал қийматига кўра содда гапларда кесим вазифасида келаётган сўз билан қиёсланиши мумкин². Матн компонентларининг бошқалари эса бир-бири билан, асосан, мазмун узвийлигига кўра боғланади. Масалан, биринчи мисолда *янтоқ олови гуриллаб, тандир ичида ёлқунлар уйнаши*, иккинчи мисолда *Бозор қул ётолмаганидан кейин ўрнидан туриб кетгани ва ҳ.к.*

Микроматн мақомидаги мураккаб синтактик қурилма тобе

компонентли бўлганда синтактик алоқа воситалари сифатида эргаштирувчи боғловчилар, юклама, феъл шакли ва ҳ.к.лар фаоллик кўрсатади. Шунини айтиш лозимки, боғловчи воситаларнинг характери билан боғлиқ ҳолда мазкур микроматнлар компонентларининг синтактик муносабати тенг компонентли мураккаб синтактик қурилмалардагидан кўра зичроқ шаклланади ва бунда матн структурасининг очиклиги ҳам нисбий характер касб этади:

1. *Хужра эшиги чертилгач, ичкаридан йутал товуши эшитилди, кейин новчароқ, орикроқ, эчки соқол, чехраси кўпиб турган нуроний киши эшик очиб, меҳмонлар билан қадрдонлар сингари сўрашди, Тожибой қулидан хуржунни олди (С. Абдулла.Мавлоно Муқимий).*
2. *Энди бу қоронғи жимлик ва жимликка бардоши тугади деганда, қаердандир, тун қаъридан, қизиган темирдек оппоқ чащоқ отилиб, ёввойи кучини каёққа куйишни билмагандек, шундай гумбурладики, кўк гумбази чатнаб, ер титраб кетди (А. Мухтор. Чинор).*
3. *Узи қирқларга энди кирган бўлса-да, қоп-қора териси суякларига ётишган, юзлари тириши, у ёқ- бу ёққа қараб сўррайган йирик тишлари чурук (Ойбек. У луз йул).*

Берилган мисолларнинг биринчиси пайт маъносини ифодаловчи тобе компонентли мураккаб синтактик қурилма қолипида келган микроматндир. Айни пайтда компонентлар ўртасидаги тобелик пайт маъноси ифодаси доирасида рўй бераётгани учун *-гач* морфологик воситаси қатнашган. Акс ҳолда матн боғловчиси шаклланиши ҳам мумкин эди: *Хужра эшиги чертилди, шундан сўнг ичкаридан...* Аммо бундай вазиятда берилаётган хабар ифодаси макроматннинг маълум бир парчаси мақомини олган бўларди ва мураккаб синтактик қурилма мақоми бекор қилинарди.

Эътироф этиш лозимки, мураккаб синтактик қурилма макроматн таркибида келганда унинг муайян бир қисмини ташкил этади. Бироқ бундай вазиятда мураккаб синтактик қурилманинг микроматн мақоми тўлиқ сақлаб

қолинади. Масалан, мураккаб синтактик қурилма абзац компоненти тарзида келганда ҳам унинг микроматн мақоми таркэтилмаслиги фикримиз далили бўлиши мумкин. Бу жуда муҳимдир, чунки мураккаб синтактик қурилманинг микроматн тарзида эътироф этилиши шу билан бевосита боғлиқ.

1.2. Қўшма гап таснифи

Оддий қўшма гап	Мураккаб қўшма гап
Боғланган қўшмагап Эргашган қўшмагап Боғловчисизқўшмагап	1.Соддапериод (Бир типли соддагаплардан ҳосил бўлади) а) боғланиш йўли билан б)эргашиниш йўли билан в)боғловчисиз йўли билан
	2.Мураккаб период (турли ёки аралаш соддагаплардан ҳосил бўлади) а) бир бутунликдан б) икки бутунликдан в) уч ваундан ортиқ бутунликдан

Оддий қўшма гап

Мазмун ва грамматик жиҳатидан ўзаро боғланиб, оҳанг бутунлигига эга бўлган қўшма гап оддий қўшма гап дейилади. Масалан: *Тонг отди ва саёҳатчилар йўлга чиқишди. Сув келди, нур келди.*

Бундай қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар боғловчилар, турли қўшимчалар ва оҳанг ҳамда кўмакчилар билан ўзаро боғланиб, содда гапларнинг сони иккита бўлади. Оддий қўшма гаплар қуйидаги турларга бўлинади:

Боғланган қўшма гап: Тенг алоқада бўлади.Бириктирма, зидлов, айирув, қиёслаш ва изоҳлаш,сабаб, натижа, пайт муносабатларини ифодалайди.

Эргашган қўшма гап: Бош гапга нисбатан эга, кесим, аниқловчи, тўлдиручи,

равиш, ўрин-пайт, сабаб, натижа, муносабатларини ифодалайди.

Боғловчисиз қўшма гап (фақат оҳанг орқали): Бириктирув, зидлов, пайт, шарт, тўсиқсизлик, натижа, сабаб, ўхшатиш, изоҳлаш, муносабатларини ифодалайди.

Боғланган қўшма гап

Таркибидаги содда гапларнинг ўзаро тенг алоқага киришувидан тузиладиган гаплар боғланган қўшмагап дейилади. Масалан: *Мени кутгил ва мен қайтаман. (К.С.)*

Юртимизнинг бу куни чиройли, лекин эртаси, индини янада чиройлироқ, бахтлироқ бўлади. (О.) Машинакаттажарёқасигакелиб қолди-ю, шофёр ҳушёрлик қилиб тўхтатди (Р.Ф.)

Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар мазмунан, биринчидан, бир пайтда ёки кетма-кет боғланадиган воқеа-ҳодисаларни ифодаласа, иккинчидан, мазмунан қўшма гап таркибидаги содда гаплар бириктирув, зидлов, айирув, боғловчилари орқали боғланади.

Бириктирув боғловчили қўшма гап (ва, ҳам, ҳамда): *Кўнгил хазинаси унинг қулфи тилдир Ва ул хазинанишиг калити сўздир (А.Н.)*

Юклама (- у, -ю, -да): *Кўм-кўк пахтазорлар бунёд этилди-ю, чўллар чаман бўлди. (Ш.Р.)*

Зидлов боғловчили қўшимчалар (-аммо, -лекин,-бирок): *Ўзбекистоннинг бу куни чиройли, лекин эртаси бундан ҳам чиройлироқ бўлади. (Газетадан.)*

Айирув боғловчили қўшимчалар (Ё...ё, Ё...ёки, Гоҳ-гоҳ, Хоҳ-хоҳ, Баъзан...баъзан, Дам...дам).

Боғланган қўшма гаплар инкор боғловчиси орқали ҳам ўзаро бирикади. Масалан: *На кундузи оромим бор, на уйқуда ҳаловат. На ўқийсан, на ёзасан. (У.)*

Арава тинмай гижирларди, йўловчилар бўлса сўзсизборишарди. (С.З.)

Боғланган қўшма гапда тиниш белгиларининг ишлатилиши

1) Агар боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар бириктирувчи боғловчилар (ва, ҳам, ҳамда) ёрдамида боғланса, улар орасида вергул қўйилмайди.

Ташқарида чакмоқ ялтирар ва баҳор ёмғири саловатли шовилларди. (П.Қ.)

2) Агар зидловчи боғловчилар (аммо, лекин, бироқ) ёрдамида бирикса, бу боғловчилардан олдин вергул қўйилади. *Одам ҳам гўзага ўхшаб офтобга интилади, лекин унинг офтоби—одамдан кўрадиган меҳр-оқибати.* (А.Қ.)

3) Агар юкламалар, бўлса, эга сўзлари ёрдамида боғланса, боғланган қўшма гапдаги содда гаплар орасига вергул қўйилади: *Ёмғир тинди-ю, қуёш чарақлаб чиқди.*

4) Боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар ўзаро айирув боғловчилар ёрдамида бирикса, орасига вергул қўйилади.

Ўктам гоҳ дарахтнинг меваларига, гоҳ офтобда қордек чақнаган уюм-уюм тиллаларга қизиқиб қарайди. (О.)

Эргашган қўшма гап

Мазмун, оҳанг ва грамматик жиҳатидан бири иккинчисига тобеланиб, уни тўлдириш, изоҳлаш, аниқлаш учун хизмат қиладиган қўшма гаплар эргашган қўшма гап дейилади. Шунинг учун бу қўшма гапларнинг компонентларидан бири ҳоким, иккинчиси тобе саналади. Ҳоким, тобе муносабатларига кўра эргашган қўшма гаплар икки қисмга бўлинади:

1. Бош гап. 2. Эргаш гап.

Ўзича мустақил бўлиб, бошқа гапга тобеланмаган гап бош гап дейилади. Бош гапга эргашиб, уни изоҳлаб келган гап эргаш гап дейилади. Масалан: *Илдиз озиқ берса, новда кўкарар.* (Мақол.) Ушбу гапда *илдиз озиқ берса*—эргаш гап, *новда кўкарар*—бош гап. Бунда эргаш гап бош гапни пайт муносабатига кўра изоҳлайди. Эргашган қўшма гапда бош гапнинг кесими тўлиқ шакланган бўлади, аммо эргаш гапнинг кесими тўлиқ шаклланавермайди, шунга кўра эргаш гап бош гапга эргаштирувчи

воситалар, боғловчилар, кўмакчилар нисбий сўзлар ва айрим феъл шакллари орқали бирикади. Мисолларни қиёсланг:

3. *Мустақилликка эришгач, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди.* (Газетадан.) Бу гапда мустақилликка эришгач— эргаш гап, дунё ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди - бош гап ва улар ўзаро гап воситаси орқали бириккан.

4. *Ҳали гул очилмаган бўлса ҳам, стол устига катта гулдасталар қўйилган эди.* (О.)

5. *Олим бўлсанг, олам сеники.* (Мақол.)

6. *Ҳаммамиз далага йўл олган чоғда катта тўй тусини олади қишлоқ* (Х.Ғ.) иккинчи гапда -са ҳам, учинчи гапда эса, тўртинчи гапда чоғда каби воситалар орқали эргаш гап бош гапга боғланиб келмоқда.

Эргаш гаплар улар англатган мазмун, шакли ва бош гапга боғланиш усулига кўра тасниф этилади.

Гуруҳи	Маъно хусусияти	т\р	Эргаш гапнинг турлари
I гуруҳ	Бош гаплардаги мазмуни мавҳум олмошни изоҳлайдиган	У 2. 3. 4. 5. 6.	Эга эргаш гап Кесим эргаш гап Тўлдирувчи эргаш гап Аниқловчи эргаш гап Равиш эргаш гап Ўрин эргаш гап
II гуруҳ	2	3	4
	Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг белгисини билдирадиган гаплар	7. 8. 9. 10. 11.	Пайт эргаш гап Сабаб эргаш гап Мақсад эргаш гап Микдор эргаш гап Шарт эргаш гап
III гуруҳ	Бош гапдаги мазмунни изоҳлайдиган гаплар	12. 13. 14.	Натижа эргаш гап Тўсиқсиз эргаш гап Ўхшатиш эргаш гап

Эга эргаш гап. Бош гапдаги олмош билан ифодаланган эга бўлагини изоҳлаб, ким?нима? сўроқларига жавоб берадиган эргаш гап тури эга эргаш гап дейилади. Эга эргаш гап бош гапга қуйидаги воситалар орқали боғланади.

Шу нарса борки, “Таълим тўғрисида” Қонун ҳаётга изчил тадбиқ этилиши лозим.

Кесим эргаш гап. Бош гапдаги мазмуни мавҳум олмош кесимни изоҳлайдиган эргаш гап тури кесим эргаш гап дейилади. Кесим эргаш гап бош гапга қуйидагича боғланади:

1. Бош гапнинг кесими шу, шундай каби сўзлар билан ифодаланади. Эргаш гап бош гапга -ки боғловчиси ёрдамида бирикади;
2. Бош гапнинг кесими “чиқиш келишигидаги олмошдан иборат” шаклида ҳам ифодаланиши мумкин.

Тўлдирувчи эргаш гап. Бош гапдаги олмош билан ифодаланган тўлдирувчини (ёки бош гапдаги қўлланмаган тўлдирувчини) аниқлаштирадиган эргаш гап тури тўлдирувчи эргаш гап дейилади. Тўлдирувчи эргаш гап, асосан, нимани? кимни? кимга? нимага? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади.

2. Эргаш гап бош гапга -ки боғловчиси ёрдамида боғланади ва бош гап таркибида шу олмоши бўлиб, эргаш гап ўша олмошнинг маъносини очади.

Кўпинча бош гап таркибидаги олмош ишлатилмайди.

Аниқловчи эргаш гап. Бош гапдаги олмош билан ифодаланган аниқловчи изоҳлаган эргаш гап тури аниқловчи эргаш гап дейилади. Аниқловчи эргаш гап қандай? қайси? кимнинг? каби сўроқларига жавоб беради ва бош гапнинг олмош билан ифодаланган бирор бўлагининг белги, хусусиятини аниқлайди.

Равиш эргаш гап

Бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг, ҳаракатнинг қай тарзда юзага келиши ва бажарувчини билдирадиган қўшма гап тури равиш эргаш гап дейилади. Равиш эргаш гаплар қандай? қай тарзда? қандай қилиб? каби сўроқлардан

бирига жавоб беради.

Равиш эргаш гапнинг кесими -б, -иб қўшимчаси билан ясалган равишдош ёрдамида ифодаланади.

1. Пайт маъно оттенкаси:

Ойдин кечаларда кўкка кўз тикиб.

Ёруғ юлдузлардан сени кутдим мен. (Ч.)

2. Сабаб маъно оттенкаси: *Шу пайт ташиқарида бирдан шовқин- сурон кўтарилиб, кўзга ҳужум бошланди. (Эртақдан.)*

Ўрин эргаш гап. Бош гапдаги иш-ҳаракатининг юзага келиши, бошланиши, йўналишини ифодаловчи эргаш гап тури ўрин эргаш гап дейилади.

Ўрин эргаш гап қаерда? қаерга? қаердан? каби сўроқлардан бирига жавоб бўлади. Ўрин эргаш гапли қўшшма гапларнинг бош гапи эргаш гаплар таркибида у ерга, у ерда, уердан, шу ерга, шу ердан, ўша ердан эргаш гаплар таркибида эса қаерда? қаерга? қаердан? каби сўзлар бўлади

Пайт эргаш гап. Бош гапдаги иш -ҳаракатининг юзага келиш ва бажариш пайтини билдирадиган эргаш гап тури пайт эргаш гап дейилади.

Пайт эргаш гап қачон? қачонгача? қачондан буён? каби сўроқларга жавоб беради.

Сабаб эргаш гап. Бош гапдаги иш-ҳаракатининг юзага келиш ва бажарилиш, арилмаслик сабабини ифодоладиган эргаш гап тури сабаб эргаш гап дейилади. Сабаб эргаш гап нима учун? нима сабабдан? каби сўроқларга жавоб беради

Мақсад эргаш гап. Бош гапдаги ҳаракат ёки воқеанинг қандай мақсад билан юзага келишини билдирадиган эргаш гап тури мақсад эргаш гап дейилади. Мақсад эргаш гап нима учун? қандай мақсадда? каби сўроқларга жавоб беради. Микдор-даража эргаш гап. Бош гапдаги воқеани унинг ҳажми ва даражасига кўра ўлчаб кўрсатадиган эргаш гап тури микдор -даража эргаш гап дейилади. *Ерга қанча кўп ишлов берилса, шунчалик ҳосил мўл бўлади. Аҳмад қанчалик куч сарфлагани сари, иш шунчалик чекинади.*

Шарт эргаш гап. Бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг қандай шарт билан юзага келишини билдирувчи эргаш гап тури шарт эргаш гап дейилади. Шарт эргаш гап аниқ воқеа-ҳодисани (- са) мўжалланган ёқеа ҳодисани(-са эди, унда эди,) ифодалайди.

Интизом бўшаидими, ишда унум бўмайди. (У.)

Ер қўқармай, мол тўймас (Мақол.).

Натижа эргаш гап. Бош гапдаги ҳаракатнинг, белгининг натижасини ва воқеанинг ҳулосасини ифодаловчи эргаш гап тури натижа эргаш гап дейилади.

Натижа эргаш гап бош гапдаги шундай, шунча, шу қадар, шунчалик, чунон, билан каби сўзларнинг мазмунини аниқлаштиради.

Тўсиқсиз эргаш гап. Бош гап ва эргаш гапдаги мазмун бир-бирига зид бўлса ҳам, шу зидликка қарамай, бош гапдаги воқеа-ҳодисанинг юзага келишини ифодаловчи эргаш гап тури тўсиқсиз эргаш гап дейилади.

Ўхшатиш эргаш гап. Бош ва эргаш гапдаги воқеалар, шахслар ва ҳаракатлари бир-бирига қиёслаб, чоғиштириб ифодаловчи эргаш гап тури ўхшатиш эргаш гап дейилади.

Боғловчисиз қўшма гап

Ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги воситаларсиз, фақат мазмун ва оҳанг жиҳатдан боғланган оддий қўшма гап боғловчисиз қўшмагап дейилади.

Масалан: *Булбуло, келтирбаҳор хабарин, бойқушга қўйгин ёмон сўз барин. (С. Ш.) Дарё бўлиб оқдим, қуш бўлиб учдим. (С.З.)*

Боғловчисиз қўшма гаплар қисмларнинг ўзаро муносабатига кўра. 1. Боғланган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап. 2. Эргашган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап. 3 Боғловчисиз қўшма гап синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гапларга бўлинади.

Боғланган қўшма гапларга синоним бўлган боғловчисиз қўшма гап икки хил муносабатни ифодалайди:

а) пайт, чоғиштирув: *Мард бир ўлар, номард юз ўлар. (Мақол.) Тўғри тил тош ёрар, эгри тил бош ёрар. (Мақол.)*

б) зидлов муносабатини: Тиғяраси битар, тил яраси битмайди. (Мақол) 2. Эргашган қўшма гапга синоним бўлган боғловчисиз **қўшма** гап: Ҳамал кирди—амал кирди. (пайт), савр кирди—давр кирди (пайт), ит ҳуради—карвон ўтади (тўсиқсиз), қор ёғди—нур ёғди (ўхшатиш).

Боғловчисиз қўшма гапга синоним бўлмаган боғловчисиз қўшма гап: Боғловчисиз қўшма гап қисмлари кесимларининг қандай ифодаланишига кўра икки хил: 1 .Бир хил қисмлардан тузилган боғловчисиз қўшма гап.

2.Турли хилдаги қисмлардан тузилган боғловчисиз қўшма гап.

Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши

Боғловчисиз қўшма гапларда тиниш белгилари қуйидагича ишлатилади.

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги мазмун жиҳатдан бир-биригаяқин бўлган, бир пайтда ёки кетма-кет бўлган воқеа-ҳодисаларни ифодалаган содда гаплар орасига вергул қўйилади. Масалан. *Сизнинг истеъдодингизни биламан, сизга ҳурматим ҳаммшабаланд. (О.)*

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гаплар **мазмун** жиҳатидан қисман мустақил бўлса, ёки вергул ишлатилган бўлса қўшма гап таркибидаги содда гап бир-биридан нуқтали вергул билан ажратилади.

Масалан: *Паға-паға майин қор осмондан ёғилиб туради; шамолнинг секин, бўғиқ гувиллаши эшжтилади. (С.З.)*

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги иккинчи гап биринчи гапнинг бирор бўлагини изоҳласа, унинг мазмунини тўлдирса, содда гаплар орасига икки нуқта қўйилади.

Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги содда гапларнинг мазмуни бир-бирига зид бўлса тире қўйилади: *Кўз қўрқоқ—қўл ботир (Мақол.)*

1. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги биринчи гапнинг мазмуни иккинчи гапнинг мазмунига ўхшатилса: *Вақтинг кетди— бахтинг кетди. (Мақол.)*

2. Боғловчисиз қўшма гап таркибидаги биринчи гап иккинчи гапдан англашилган иш-ҳаракатнинг пайти ёки шартни билдирса, улар орасига тире қўйилади: *Юрт тинч—сен тинч. (Мақол.)*

Мураккаб қўшма гап

Уч ва ундан ортиқ содда гапларнинг мазмуни ва грамматик жиҳатдан бирикишидан тузилган қўшма гап мураккаб қўшма гап дейилади. Бу қўшма гапнинг оддий қўшма гаплардан фарқи шундаки, агар оддий қўшма гаплар таркибида иккита содда гап келса, мураккаб қўшма гапнинг таркибида уч ва ундан ортиқ содда гаплар ўзаро бирикиб келади. Масалан: *Биз шуни яхши биламизки, миллатлараро низолар яхшиликка олиб келмайди. (Газетадан.)*

Мураккаб қўшма гаплар қуйидаги турларга бўлинади;

3. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб гаплар.
4. Боғланиш йўли билан тузилган мураккаб гаплар.
5. Боғловчи воситаларсиз тузилган мураккаб гаплар.
6. Аралаш йўл билан тузилган мураккаб гаплар.
7. Эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гаплар

Таркибидаги иккитадан ортиқ эргаш гаплар мавжуд бўлиб, битта бош гапга тобеланган мураккаб гап бир неча эргаш гапли қўшма гап дейилади.

Бундай эргаш гапларнинг бош гапга боғланиш усули икки хил: тўғридан тўғри эргашиш, кетма -кет эргашиш.

Эргаш гапларнинг ҳар бири мазмун ва грамматик жиҳатдан бири иккинчисига тобеланмай, ўзаро тенг ҳолатда бош гапга боғланса, бу усул тўғридан тўғри эргашиш дейилади. Масалан: *Баҳор келса, гуллар очилса, яна аввалгидай табиат гуллар. (Ҳ.О.)*

Боғланиш йўли билан тузилган **мураккаб қўшма гап**. Бундай қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро боғловчи ёки боғловчи вазифасидаги сўзлар ёрдами билан бирикади.

Бундай гаплар боғланган қўшмагапларга ўхшаса- да, лекин содда гапларнинг миқдори жиҳатидан фарқ қилади, яъни содда гаплар миқдори кўп

бўлади.

Боғловчи воситасиз тузилган мураккаб қўшма гаплар. Бундай мураккаб қўшма гаплар ўз таркибидаги содда гапларнинг ўзаро боғланиш усули, содда гапларнинг тузилиш ва маъно муносабати жиҳатидан боғловчисиз қўшма гаплардан деярли фарқланмайди, фақат бу гапларда содда гапларнинг ўзаромуносабати бироз мураккаброқ бўлади. Бу белгиларни қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Содда гаплар тенг муносабатда бўлади. Масалан:

(1). Бошимга болишлар ботди, (2) сен келмадинг, (3) Юракка нолишлар ботди, (4) сен келмадинг. (Қўшиқ.)

Аралаш мураккаб қўшма гаплар

Бундай гаплар бир неча кўринишга эга: 1.Боғланиш ва эргашиш йўли билан тузилган мураккаб қўшма гапларда содда гаплар ўзаро боғланиш ва эргашиш йўли билан муносабатга киришади. Масалан: *(1) Баҳор келди, (2) лекин ҳаво совуқ эди, (3) чунки бу йил қиш бир оз чўзилди.*

Ўзга гап . Айрим ҳолларда сўзловчи ўз нутқида ўзганинг гапини ҳам ишлатишимумкин. Бундай қўлланган ўзгаларнинггапи сўзловчи нутқида ҳеч қандай ўзгаришсиз ёки мазмуни сақланган, аммо грамматик хусусиятлари ўзгартирилган ҳолда қўлланиши мумкин.

Ўзга гап, асосан, икки турга болинадр. 1) кўчирмагап, 2) ўзлаштирмагап.

Кўчирма гап: *“Мен маймунжон тергани шу ерга келган эдим” —деди Қўзибой. (Ҳ.Н.)*

Ўзлаштирма гап

Шакли ўзгартирилиб, мазмун сақланган ўзгаларнинг гапи ўзлаштирмагап дейилади.

Бундай гапларда ўзгаларнинг гапи лексик, семантик, грамматик ва оҳанг жиҳатидан ўзлаштирилиб берилади, яни ўзгаларнинг фикри сўзловчи томонидан ҳикоя қилинади: *Қўзибой маймунжон теришга шу ерга келганини айтди.*

Хуллас, синтаксиснинг асосий бирликларидан ҳисобланган гап тилда

ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, қатор илмий тадқиқотларнинг объекти сифатида ўрганилиб келинмоқда.

1.3. Инглиз ва ўзбек тилларидаги қўшма гапларнинг қиёсий характеристикаси.

Инглиз тилида қўшма гаплар икки турга бўлинади: боғланган қўшма гаплар (compound sentences) ва эргаш гапли қўшма гаплар (complex sentences). Боғланган қўшма гаплар тенг ҳуқуқли, бир бирига тобе бўлмаган содда гаплардан тузилади. Боғланган қўшма гап таркибига кирувчи содда гаплар *and, but, or* каби боғловчилар ёрдамида боғланади.

He speaks English but his sister speaks German.

У инглизча гапирди, аммо унинг онаси эса немисча гапирди.

Икки ёки ундан ортиқ гаплар боғловчисиз боғланиб ҳам, ўзбек тилидагидек, боғланган қўшма гапни ташкил қилиши мумкин. Бу ҳолатда содда гаплар ўртасига *and* боғловчисини қўйиш мумкин бўлади. Боғловчисиз боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар орасига нуқтали вергул қўйилади:

The signal was given; the steamer moved slowly.

Сигнал берилди; пароход секин юра бошлади.

Эргаш гапли қўшма гаплар тенг ҳуқуқли бўлмаган икки ёки ундан ортиқ гаплардан тузилади. Бунда бир гап иккинчисига тобе бўлади. Бошқа гапни изоҳлаб келувчи гап эргаш гап дейилади (the Subordinate Clause). Изоҳланаётган гап эса бош гап дейилади (the Principal Clause). эргаш гапли қўшма гап компонентлари боғловчилар ёки боғловчи вазифасидаги сўзлар билан боғланади:

He thought (бош гап) that the train arrived at 6.15 (эргаш гап).

Эргаш гапларга моҳиятан содда гап бўлакларига бериладиган саволлар қўйилади. Фақат эргаш гап бирор гап бўлагининг ёйиқ шакли ҳисобланади. Шунинг учун гап бўлаклари қанча бўлса, шунча эргаш гап турлари мавжуд.

Эргаш гап турлари		
Эргаш гап тури	Эргаш гап таркибига кирувчи боғловчилар	Мисоллар
Эга	that if, whether who what which	That he understands his mistake is clear.
Кесим	that if, whether who what which	The question is whether he knows about this meeting.
Тўлдирувчи	that if, whether who which where how	We know where she lives.
Аниқловчи	who whose which, that where why	People who can neither hear nor speak talk to each other with the help of their fingers.
Пайт	when after before till while	When babies laugh, we know that they are happy.
Ўрин	where, wherever	Wherever you go you must remember about it
Сабаб	because as, since	He cannot go to the cinema because he is busy.
Ҳолат	as that as if, as though	She speaks so loudly that everybody can hear her.
Мақсад	that so that, in order that	She speaks so loudly that everybody can hear her.
Шарт	if provided that unless	If he is free today, he must be at the conference.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги эргаш гапли қўшма гапларда тиниш белгиларининг ишлатилиши ҳам ўзига хос эканлигини таъкидлаган ҳолда, энг кўп қўлланиладиган тиниш белгиси вергулнинг турлича қўлланиш ҳолатлари бўйича баъзи мисолларни келтириб ўтамыз:

1. Боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гаплар ўзаро -у(-ю), -да юкламалари ёрдамида боғланганда:

Қаттиқ изгирин кўтарилди-да, ҳеч кимни уйдан чиқармай қўйди.

Одам қўли тегди-ю, ташилдиқ ерларни обод қилди.

Бироқ инглиз тилида боғланган қўшма гап таркибидаги содда гаплар ҳеч қандай боғловчиларсиз боғланса, нуқтали вергулдан фойдаланилади.

The moon is full; the stars are out.

Call me tomorrow; I will give you my answer then.

2. Содда гаплар зидлов боғловчилари ва -у(-ю), -да юкламалари ёрдамида боғланган қўшма гапларда:

Одам тилга кириши учун икки йил кифоя, лекин тилини тийиб туришни ўрганиши учун олтмиш йил керак бўлади. (Р.Ҳамзатов)

Боболардан сўзладим, аммо бир зот борким, баридан суюк. (А.Орипов)

I really want to go to the work, but I am too sick to drive.

Although the President was confident of success, his advisers were not so sure, however.

3. Айирув боғловчилари ёрдамида боғланган қўшма гаплар таркибидаги содда гапларда такрорланиб қўлланган айирув боғловчисининг кейингисидан олдин:

Ё сиз келинг, ё мен борай. (Қўшиқдан)

Дам, атрофимдагилар тинмай асабга тегар, дам қондошларим кўнглимни қолдирарди.

You can either stay here or come with us.

“Either ... or”, “neither ... nor” иборалари ўртасида вергулнинг ишлатилиши инглиз тилида ҳар хил фикрлар бор. Баъзилари ишлатиш керак деган фикрни илгари сурса, бошқалари ишлатилмаслигини таъкидлайди.

4. Инкор боғловчиси билан боғланган қўшма гаплар орасида:

На ўзи ўқиди, на бировга берди;

There was no milk in the freezer, nor did they have money to go to the store.

Neither mother could punish that naughty child, nor could father control him.

5. Қиёсловбоғловчиси билан боғланган қўшма гаплар орасида (ўзбек тилида):

Ой тунда керак, ақл эса кунда керак. (Мақол);

Karl is very sociable and confident while Silvia is shy and quiet.

My brother goes to school but my sister doesn't go to school.

Инглиз тилида “эса” сўзи “wxиле, бут, анд” сўзлари билан ифодаланиши мумкин.

6. Барча турдаги эргашган қўшма гапларда эргаш гапни бош гапдан ажратиш учун:

Кимки ҳаётдан олмаса таълим, унга ўргатолмас ҳеч бир муаллим. (Рудакий)

Инглиз тилида ҳам эргаш гапли қўшма гапларда бош гапни эргаш гапдан ажратиш учун вергул ишлатилади. Бироқ ўзбек тилидан кичик бир фарқи шуки, инглиз тилида ҳоким гап тобе гапдан олдин келса, уларни орасига вергул қўйилмайди; тобе гап ҳоким гапдан олдин келсагина вергулдан фойдаланилади.

Because Henry and Pascal arrived at the bus stop before 10 o'clock, Jeff did not see them at the station. While he waited at the train station, Jeff realized that the train was late.

Қуйида бош гап эргаш гапдан олдин келган ҳолатда вергулдан фойдаланилмаяпти:

Jeff did not see them at the station because Henry and Pascal arrived at the bus stop before 10 o'clock. Jeff realized that the train was late while he waited at the train station.

Қуйидаги гап бир неча тобе гапли қўшма гапга мисол бўлиб, унда юқоридаги қоидага кўра, эргаш гап бош гапдан олдин келган ҳолатда вергул қўйилмади, аммо бош гапдан сўнг келган эргаш гап ҳоким гапдан вергул билан ажратилмоқда.

The moment we entered the restaurant we began to feel hungry, as the delicious smells of fine cooking reached us from the kitchen.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инглиз ва ўзбек тиллари турли системали тиллар ҳисобланиб, умумий томонларидан кўра хусусий томонлари кўпроқ эканлигини кўриш мумкин. Ушбу тиллар нафақат генетик жиҳатдан, балки морфологик (типологик) жиҳатдан ҳам бир биридан узоқ ҳисобланади. Шунинг учун ҳар икки тилда сўз ясалиши, сўз шакли ҳосил қилиниши, гап қурилиши ва бошқа грамматик хусусиятлар бир биридан фарқ қилади. Айнан шу манзарани қўшма гаплар тадқиқида ҳам учратиш мумкин. Кўриб турганимиздек, инглиз тилида қўшма гап ясалиши, қўшма гап компонентлари ўртасидаги муносабат, улар ўртасида ишлатиладиган тиниш белгилари ўзбек тили билан солиштирганимизда яққол намоён бўлади. Қўшма гапларни тадқиқ қилишга бағишланган қатор илмий ишларнинг мавжудлигига қарамай, уларнинг лисоний-назарий масалаларини ўрганиш ҳамон долзарб ҳисобланади. Ваҳоланки, қўшма гаплар мураккаб конструкцияли микромаънлар ҳисоблансада, коммуникатив шароитда жуда фаол қўлланилади. Модомики, тилнинг беқиёс имкониятларини намоён қилиш вазифасини нутқ бажарар экан, ҳар қандай тадқиқот нутқ акти ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши шарт.

2-БОБ. ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИНING УМУМЛИНГВИСТИК МУАММОЛАРИ

2. 1. Таржиманинг асосий йўналишлари

Миллатлараро мулоқотнинг энг муҳим воситаларидан бири бўлган таржиманинг миллий адабиётларнинг пайдо бўлишида ва тараққий этишида жуда катта роль ўйнаши ҳеч кимга сир эмас. XX асрда таржима фаолияти шуқадар кучли ривожландики, ушбу жараён XXI асрда ҳам давом этмоқда ва янги бир фан, таржима назарияси ёки бошқача қилиб айтганда таржимашунослик фанининг пайдо бўлишига олиб келди.

Ҳозирги пайтда таржима ҳақида алоҳида бир фан борлигини, жумладан, умумий таржима назарияси ҳамда бадиий таржима назарияси каби катта йўналишга эга бўлган изланиш соҳасининг борлигидан беҳабар одам бўлмаса керак.

Жамият ҳаётида катта роль ўйнаган ҳолда таржима азал-азал дан адабиётшунос, психолог, этнографларнинг, шунингдек, а тилшуносларнинг ҳам диққатини ўзига тортиб келган. Таржима назариясининг моҳиятига турлича баҳо берувчи, баъзи пайтларда бир-бирини тўла инкор қилувчи қараш, ғоя, фикрларнинг борлиги инсоният тафаккури тарихи мобайнида кўп марта кўзга ташланди¹. Шу билан бирга яхлит турли қарама-қаршиликлардан бутунлай холи бўлган ягона назария яратишга бўлган ҳаракат фақатгина ўтган асрнинг иккинчи, учинчи ўн йилликларидагина пайдо бўлди холос.

Ўз вақтида А.А.Реформатский «таржима ҳақидаги фан»нинг яратилиши ҳақидаги саволга салбий жавоб берди. У айтдики, таржима амалиётида тилнинг турли соҳаларидан фойдаланилади ва таржима шу туфайли ўз назариясига эга бўла олмайди. Кўп вақтлар ўтди. Таржима назарияси фан сифатида оёққа турди. Бунга олиб келган асосий омиллар таржимонлик фаолиятининг илмий жиҳатдан мослаб берилишини талаб қилган ижтимоий онг ва бошқа билим соҳаларининг ривожланиши бўлдики,

¹ Федров. Введение в теорию перевода. 1983. Стр 16. Копанев. В.В. Теория перевода 1972. Стр, 43

улар таржимани ўрганишга назарий асос яратдилар, бу эса таржимага оид жиддий тадқиқотларнинг олиб борилишига олиб келди. Бу нарса, таржиманинг тиллараро ва маданиятлараро коммуникацияда таржиманинг вазифаси, реал имкониятлари, моҳиятини очиб беришга йўналтирилган илмий йўналишнинг пайдо бўлишига олиб келди. Таржимашуносликнинг қандай методдан фойдаланилаётганлиги ёки фойдаланиши лозимлиги ҳақида илмий жамоа томонидан хали ягона фикрга келинмаган. Бир нарса аниқки, таржима илмий тадқиқот объекти ҳисобланади.

Шу билан бирга бир қатор принципиал масалалар ҳозирги кунга қадар ўз ечимини кутмоқда ва улар ҳалигача турли баҳсларга сабаб бўлмоқда ёки илмий йиғинларда мунозара учун асосий объект воситасини ўтамоқда. Масалан: И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенцвейгнинг ҳисоблашларича, баҳсли масаланинг асосийларидан бири бу, “Таржима жараёнининг ўзидир”, чунки унда белгиларнинг бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиши амалга оширилади ва бу нарса семиотик нуқтаи назардан кўрилиши лозим бўлади. Бу ўринда муаллифлар фикрича, таржима жараёни унинг натижасидан кескин фарқланиши кузатилади. Таржима назариясини таржима объекти деб қарамаслик учун у шу нарса билан изоҳланадики, таржиманинг пировард натижасига йўналтирилган анъанавий таржима назарияси норматив фан сифатида юзага келган ва уни таҳлил қилиш ва унинг сифатига баҳо берувчи ўлчамларни ишлаб чиқиш асосий вазифа деб белгиланган. Шу билан бирга “таржимани жараён сифатида таҳлил қилувчи фан норматив эмас, балки назарий бўлиши керак”.

Бизнингча, таржимага бўлган назарий ва норматив ёндашувнинг бу қадар кескин қарама-қарши қўйилиши адолатдан эмас. Бу нарса структурал тилшуносликнинг тилнинг аксиологик томонларига эътибор бермайдиган айрим йўналишлари таъсирида пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

Таржима назариясини таржима назарияси доирасидан четда қолдириш таржима назарияси доирасини асоссиз равишда торайтиради ва унинг моҳиятини очиб беришга қодир бўлмайди. Шундай қилиб,

А.Д.Швейцерайтгандек, “Таржима назарияси таржима жараёнини тўлалигича ва таржимажараёни натижасини ўз ичига олиши керак²”. Шу нарсани унутмаслик керакки, таржима бу мақсадга йўналтирилган жараёндир ва маълум бир натижага эришишга қаратилган бўлади. Бу меъёрлар таржимон фаолият мақсадини белгилайдики, уларсиз таржимоннинг танлов мантиқини қониқарли даражада изоҳлаб бўлмайди. Шунинг учун бу ўринда В.Н.Комиссаровнинг фикрига тўлиққўшиламыз, у мазкур меъёрларда кузатиладиган айрим ноаниқликлар ҳақида гапириб, таржима амалиётида ишлатиладиган “адекват (тўғри) таржима”, “сўзма-сўз”, “эркин таржима” шулар жумласига киришини айтади. Шу билан бирга у шундай хулосага келади: “...таржима назариясига оид айрим ишларда кузатиладиган қоида ва таърифларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги ва мавҳумлиги таржимонлик фаолиятига меъёрий жиҳатдан ёндашувнинг нотўғри эканлигидан далолат бермайди”. Таржима назарияси объектини ажратиб кўрсатган ҳолда, унинг турдош фанлар билан мураккаб алоқаси табиатини таҳлил қилар экан, И.И.Ревзин ва В.Ю.Розенцвейглар шундай хулосага келади: “Таржима назарияси ва проблематикаси ўз категориялари ва методларига эга бўлган фан сифатида фақат дедуктив йўл билан яратилиши керак.” (И.И.Ревзин, В.Ю.Розенцвейг). Табиийки, таржимани таҳлил қилишга дедуктив ёндашувни қўллаш, яъни махсус хулосалар умумий хулосалардан келтириб чиқариладиган йўналишда (умумий қонун-қоида, ҳолатлардан) таҳлил қилиш умуман олганда амалга оширилса бўладиган иш. Аммо таржима жараёнини фақат тоза дедуктив жиҳатдан фикрлаб олиш, тушуниш бу ҳақиқатдан йироқ. Бу борада О.Коденнинг фикрига қўшиламыз. Унинг таъкидлашича, таржима назарияси бу эмпирик фандир ва эмпирик фанларда математик маънода олинган тоза дедукцияни қўллаб бўлмайди.

Л.С.Бархударов ўз асарида таржимани бир тилдаги нутқ маҳсулотини иккинчи бир тилдаги нутқ маҳсулотига айлантириш жараёнидир деб қараган ҳолда шундай хулоса чиқаради: “Таржима тил системалари билан иш

² А.Д.Швецар. перевод и лингвистика. 1973, стр. 29

курмайди у аниқ нутқ маҳсулотлари, матнлар билан иш кўради”. В.И.Комиссаров эса бу фикрга қўшилмайди. Унинг фикрича, бу ерда таржима жараёни тилдан автоном тарзда кўрилган. Унинг айтишича, таржима жараёни қонуниятларини тилшунослик қонуниятларини ҳисобга олмаган ҳолда изоҳлаб бўлмайди, агар таржимон тилга фақат таржимон сифатида ёндашса, у тилнинг муҳим томонлари ёнидан ўтиб кетиши тайин. Бундан таржимани лингвистик жиҳатдан таҳлил қилиш учун матнлар ва нутқ жараёни фақатгина тадқиқотнинг дастлабки объекти бўлиб хизмат қилади деган хулоса келиб чиқади.

Кейинроқ эса тилшуносликнинг методологик ориентациясида кўплаб муҳим ҳодисалар рўй берди. “Нутқ материалидан тил системасига”, деб номланган йўналиш тилшуносликнинг мумкин бўлган ягона йўналиши бўлмай қолди. Бундан ташқари, нутқий ўрганишга қаратилган алоҳида йўналишлар таржима назарияси олдида янги уфқлар очди. Шунинг учун, бизнингча, Л.С.Бархударов ўша пайтда таржима назариясининг тилни абстракт тизим сифатида ўрганишдан тилнинг нутқда ишлашини ўрганиш томон қадам қўйган психолингвистика, коммуникатив синтаксис, матн лингвистикаси каби йўналишлар билан жипс алоқаси борлигини айтганда, у тўла ҳақэди.

Таржима – бу турли тилларда сўзлашувчи одамларнинг бир-бири билан алоқа қила олишига имкон берадиган воситадир. Шунинг учун таржима назариясини ўрганиш учун коммуникатив тилшуносликнинг нутқий коммуникация жараёнининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар, бевосита ва билвосита нутқ актларининг ўзига хослиги, жумла ва матндаги ифода қилинган ва қилинмаган маъно ўртасидаги муносабат, матнни тушуниш учун контекст ва муомала ситуациясининг таъсири, инсон коммуникатив хулқини белгиловчи бошқа фактларнинг барчаси бебаҳо омиллар бўлиб хизмат қилади.

Таржимани нутқий мулоқотнинг ўзига хос кўриниши тарзида тадқиқ этар экан, таржима назарияси фақат унинг тил механизминигина ўрганиш

билан чекланиб қолмайди. Чунки таржима, бу фақатгина тиллар ўртасидаги алоқа бўлиб қолмай, балки маданиятлараро алоқа ҳамдир. Таржимада асосий матнни яратиш жараёни ва таржима жараёниўз аксини топади.

Таржима жараёнининг идеал қурилма томонидан эмас, балки инсон томонидан амалга оширилишини ва унинг руҳий ориентацияси якуний натижага таъсир қилмай қўймаслигини назарда тутмасак, таржима жараёнини таҳлил қилиш нотўлиқ бўларди.

Тадқиқотчи қўллаган методлар, унинг олдида турган вазифаларга мос равишда, таржимашуносликни қайсифаннинг таркибига киритиш тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Бу борада асосан икки оқим пайдо бўлган: биринчи оқим таржима назарияси адабиётшуносликнинг таркибий бир қисми бўлиши керак деб ҳисобласа, иккинчи оқим таржима назарияси тилшуносликнинг таркибий бир қисми бўлиши керак деб ҳисоблайди.

Таржима назариясини адабиётшунослик доирасида таҳлил қилишни таклиф қилаётган тадқиқотчилар (К.Чуковский, И.Кашкин, Г.Гагечиладзе, В.Россельс, О.Кунзич ва бошқалар) таржимани адабий фаолият деб қарайдилар ва шунга мос равишда, таржима назарияси улар томонидан бадиий таржима назарияси деб қаралади. Уларнинг фикрича таржима -бу, бадиий ижоднинг бир тури ва у билан адабиётшунослик шуғулланиши керак. Бу йўналишга мансуб айрим олимлар бадиий таржима асарлари тилини ўрганишни иккинчи даражали иш деб қарайдилар (масалан, В.Россельс). Бу ҳақида А.В.Федоров шундай ёзади: “Таржимани тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганишга қарши бўлиб айтилган фикрларда жиддийлик ва объективлик етишмасада, уларда тенденциозлик жуда кучлидир”. Уларнинг фикрича, масалан, тилшунослар асл нусха ва таржима матнни ўртасида доимо тўлалик бўлиши кераклигини талаб қилгани ҳолда қандайдир норматив тизимни яратганларки, уларга кўра ҳеч қандай вариациялар, тебранишлар ва оғишларга йўл қўйилмайди ва охир-оқибатда лингвистик ёндашув сўзма-сўз таржима билан тенглаштирилади.

Бўларнинг барчаси, таржима назариясига оид лингвистик изланишлардаги ҳақиқий аҳвол ҳақида заррача маълумот бера олмайди³.

А.В.Федоровнинг фикрича, таржимашунослик бу-адабиётшунослик ҳам, тилшунослик ҳам эмас, гарчи у мана шу иккала фаннинг методларидан фойдалансада, у кўпгина ёндош фанлар кесишувида пайдо бўлган умумфилологик фандир. Таржимани адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишнинг тарафдорларидан бири бўлмиш Г.Гагечиладзенинг фикрига кўра, умумлингвистик назария бизга тиллараро тушунишнинг умумий қонуниятларини бериши мумкин, уларни билмасдан туриб таржимон иш кўра олмайди, хусусий лингвистик назариялар эса икки тилдаги мос тушишлар табиатини изоҳлаб, бадиий таржима ишида жуда фойдали бўлиши мумкин. Унинг сўзларига қараганда, бадиий таржима бадиий ижод соҳасига мансуб бўлиб, унинг қонуниятларига бўйсунди, унинг тил қонунларига ижод маҳсулидек амал қилади.

Тилшунослик томонидан бўлган ёндашувни инкор қилган ҳолда, адабиётшунослик ёндашувининг тарафдорлари И.Кашкин томонидан илгари сурилган реалистик таржима методини ривожлантирдилар ва асл нусханинг эстетик кучини етказиб беришни тарғибқилувчи тезисни илгари сурдилар.

Яна савол туғилади: Таржимашунослик адабиётшуносликка мансубми ёки эстетикагами? Г.Гагечиладзенинг фикрига кўра, бадиий таржимадаги асосий нарса бу асл нусхадаги эстетик қадриятни етказишдир. Бу нуқтаи назар таржимада асосий ўлчам сифатида таржима бадииятининг асл нусха бадииятига лисоний мос келиши, бадиий мос тушишида хизмат қилади. Шундай қилиб, Г.Гагечиладзенинг нуқтаи назарига кўра лингвистик ёндашув тайёрлов босқичини ўзида жо этади, аммо бу босқич таржима назариясини яратишда энг муҳим босқичдир, чунки таржиманинг лингвистик назарияси оригинал асар яратиш жараёнида тилшуносликнинг ролига ўхшаш бўлади. О.Кундзичнинг мунозарали полемикасига кўра “таржима жараёнида ҳам, унинг ижодий таҳлили вақтида ҳам лингвистик унсурни эстетик унсурдан

³ Федров.А.В Введени и теорию перевода. М. 1971. стр. 24-25.

ажратиб бўлмайди, чунки эстетик функция бу тилнинг функцияларидан биридир. Бундай функциясиз лисоний унсур бадиий контекстда мавжуд бўла олмайди. Таржима эса гўзалликнинг лингвистик воситалари билан берилиши ёрдамида амалга оширилади”.

Бу икки категория сўзсиз мавжуд, лекин улар шубҳасиз ажралмасдир. Бу эса таржиманинг кўплаб зиддиятларидан биридир⁴. Бизнингча, гўзаллик лингвистик унсурнинг функцияларидан биридир дейиш бироз ғалати. Бу эса ўз навбатида О.Кундзичнинг концепциясидаги қарама-қаршилиқни кўрсатади. В.И.Круновнинг айтишича, мана шу “илмий назарий ўлчамларнинг йўқлиги ва умумий тамойилларининг мавжуд эмаслиги бадиий таржима назарияситараққиётига сезиларли тўсиқ бўлиб турибди”.

А.В.Федеров асос солган таржиманинг лингвистик назарияси кейинчалик А.С.Бархударов, А.Б.Швейцер, В.Контелов, В.Н.Комиссаров, Я.И.Редцкер ва бошқа олимлар томонидан ривожлантирилди. Агар А.В.Федеров таржиманинг тўлақонлилиги тўғрисидаги тезисни олға суриб, у асл мазмуннинг камчиликсиз тўла берилиши ва унга функционал стилистик жиҳатдан тўла мос келиши зарурлигини таъкидласа, В.Коктилов эса таржимани “бу шундай бадиий асар бўлиб, у ўзга тилда яратилган бадиий асарнинг семантик-стилистик параллели сифатида намоён бўлади ва унинг ғоявий образли структурасини сақлайди”, дейди.

Фақатгина формал структуравий ёки бадиий эстетик жиҳатларга асосланган ҳолда таржима назариясини яратишнинг имкони йўқлигидан келиб чиққан ҳолда А.Д.Швейцер “таржима назарияси доирасидан объектив борлиққа мурожаатдек асосий компонентни чиқариб юбормаслик керак”лигини айтади.

Таржимани нутқ фаолиятининг ўзига хос бир тури деб ҳисоблаган А.С.Бархударов таржима назариясини макролингвистикага мансуб деб ҳисоблаган ҳолда, уни тилнинг экстралингвистик факторлари билан қалин

⁴ Кундзич.О. Проблемий перевода. 1973, стр 171-172.

алоқада ўрганади ва иккинчидан, тилнинг инсон фаолиятининг у ёки бу жабҳасида амалий қўлланилишини тадқиқ этувчи “амалий тилшунослик” таркибига киритилади⁵, деяқайд этади.

Таржимашунослик лингвистик мактаби вакиллари томонидан денотатив, ситуатив, трансформацион, семантик назариялар, қатламлар эквивалентлиги ҳамда мос тушишлар қонунийлиги назариялари ишлаб чиқилган.

Денотатив назария реал борлиқнинг моддий ва хаёлий воқеалари ҳақида дарак, фикр алмашинувига асосланган. Бу нарсалар лисоний мулоқот пайтида содир бўлади. Бу назария турли тилларда ҳар хил вазият турлича ифода қилиниши мумкинлигини ҳисобга олмайди. Таржиманинг трансформацион назарияси трансформацион грамматиканинг ўхшаш структуралари ғоясига асосланган бўлиб, унга кўра барча трансформалар мана шу тилда мавжуд булиши мумкин. Трансформалар таржимада ҳеч қандай образли ёки бошқа ассоциацияларни уйғотмаган ҳолда пайдо қилинади. Семантик назария оригинал ва таржима матнлари мазмун томонларини ўрганишга асосланган ва у тилнинг семантик қатламидан нарига ўтмайди. В.И.Комиссаров томонидан илгари сурилган “эквивалентлик босқичлари назарияси бу таржимонлик фаолиятининг модели бўлиб, у шундай тахминга асосланганки, эквивалентлик муносабатлари аслият ва таржима матнлари мазмунлари ўхшашлиги ўртасида ўрнатилади”.

Я.И.Рецпер томонидан илгари сурилган “қонуний босқичлар назарияси” аслият ва таржима матнлари ўртасидаги муайян мос тушишларнинг табиатини ўрганиш билан шуғулланади. (Рецпер, 1950). Бу мос тушишлар лексика, фразеология, синтаксис ва бошқа сатҳларда бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, бошқа лингвистик назариялар таржима муаммосига бир ёқлама, таржимонлик фаолиятининг у ёки бу томонига суянган ҳолда амалга

⁵ Комиссаров В.И. Уша асар. стр 60.

⁵ Ионов В.В. Машинный перевод и установление соответствий между языковыми системами. Сб. «Машинный перевод». Труды Института ТМ и ВТ АН СССР. стр. 59

оширилади.

Таржима назарияси структурасига тўхталиб ўтсак, у умумий ва хусусий назариялардан иборат. Умумий назария таржимани унинг жанр хусусиятлари, унинг амалга оширилиши, у ёки бу аниқ типнинг хусусиятидан келиб чиқадиган ўзига хосликни инобатга олмаган ҳолда ўрганади. Хусусий назарияларнинг 3 тури мавжуд. Биринчи навбатда, матн жанри типига қараб турли соҳаларга бўлинади (бадий, илмий-техник, публицистик таржима ва ҳоказо).

Умумий ва хусусий назариялар ўртасида ўзаро жипс алоқа мавжуд бўлиб, хусусий ва махсус назариялар умумий таржима назарияси қонуниятларини таржиманинг алоҳида олинган типлари ва кўринишларига мос равишда аниқлаштириб беради.

Кейинги гуруҳга таржимани амалга ошириш шароити ва усулига кўра турлари киради: (оғзаки, изчил, синхрон, икки томонлама таржима ва ҳоказо). Ва ниҳоят, хусусий назарияларнинг янабири бу, муайян икки тил таржимаси ҳақидаги назариялардир (инглиз тилидан рус тилига, ўзбек тилидан рус тилига ва ҳоказо).

Лингвистик тадқиқотлар шуни кўрсатдики, таржима назарияси ўз олдида қуйидаги асосий вазифаларни қўяди:

1. Таржиманинг умумлингвистик асосларини очиб бериш ва тасвирлаш, яъни тил системаларининг қандай ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари таржима жараёни асосида ўтади ва бу жараённинг амалга ошувини таъминлайди, унинг характери ва чегараларини белгилаб беради.
2. Таржимани лингвистик тадқиқот объекти деб аниқлайди, унинг тил воситачилигининг бошқа турлари ўртасидаги ўрнини аниқлаб беради.
3. Таржимонлик фаолияти турларининг классификация асосларини ишлаб чиқади.

1.2. Қиёсий типология ва таржимашунослик

Қиёсий типология ва таржимада қиёслаш мазмун планига асосланиб олиб борилади. Икки ёки ундан ортиқ тил системаларини мазмун ёки шаклга асосланиб чоғиштириш мумкин.

Бу масалага доир турли фикрлар мавжуд. Баъзилар тил системаларини чоғиштиришни мазмунга таяниб, бошқалар шаклга, яъни, ё мазмундан шаклга, ёки шаклдан мазмунга қараб бошлашни тавсия этадилар. Бундай турли-туман фикрларнинг пайдо бўлишига асосий сабаб қиёсий типология ва таржима назариясига оид тадқиқ этилган материалларнинг камлигидир.

Айрим кичик система ёки категорияларни чоғиштириш жараёнининг хусусияти ва мақсадига кўра тадқиқотни турлича ўтказиш мумкин. Аммо тил системаларини чоғиштириш жараёнини мазмун плани бирликларидан бошлаган маъқул:

- 1) мазмун плани ҳар бир тилда, шунингдек, чоғиштирилаётган тилларда ифода плани турли ярусдаги синонимик бирликларни умумлаштиради;
- 2) семантик жиҳатдан ўхшаш кетегориал маънолар турли тилларда ифода планининг ўхшаш бўлмаган бирликлари билан кўрсатилиши мумкин;
- 3) танлаб олинган категория бир тилда махсус шакл билан, иккинчи тилда эса перифериал белгилар ёрдамида ифодаланиши мумкин.

Мазмун планидаги бирликнинг умумлаштирувчи аҳамияти шундаки, ҳар бир категориал маъно (КМ) ўз атрофига қатор шаклларни йиға олади. Бўларнинг ҳаммаси муайян даражада трансформацион ёки яруслараро синонимлардир. Масалан, бир категориал маъно А тилида ҳам, Б тилида ҳам мустақил равишда бир неча категориал шакл (КШ)га мос келади.

Шартли равишда юқорида кўрсатиб ўтилган ифода бирлиги, биринчидан, бир тил системасида ҳар хил ярусли бўлиши мумкин, иккинчидан, турли хил ярус бирликлари орасидаги мувофиқлашув даражаси чоғиштирилаётган тилларда ўзгариб туради, яъни бир тилда категориал маъно махсус категория морфемаси билан ифодаланса, бошқатилда

морфологик категория билан эмас, балки бошқа ярус бирликлари билан ифода этилади.

Турли ярусдаги бирликларни маълум бир тилдаги махсус морфологик форманинг мавжуд эмаслиги ҳамда муайян ситилистик оттенкаларнинг акс этишига кўра танланади.

Турли ярусдаги бирликларни танлашда кўпроқ лексик-синтактик бирликлар билан мос келадиган вариантлардан фойдаланилади.

Мазмунга асосланиш чоғиштиришнинг бошланғич даврига хосдир. Агар ўрганилаётган тил типология тўплаган материалга эга бўлса, унда тадқиқотни ифода планидан бошлаш мумкин, чунки ишнинг маълум қисмиҳақиқатан ҳам типологик тадбирнинг иккинчи ярусига таалуқлидир.

Ифода планига асосланиш умумлаштириш билан эмас, аксинча, турли категорияга таалуқли омонимик шаклларга ажралишига сабаб бўлган маъноларга боғланади. Масалан, инглизча *books* (*I bought many books; She bought tickets*) сўз шакли икки ёки уч категориал маънони, яъни сон, шахс ва замон категорияларини ифодалаши мумкин.

Мазмун планига асосланиб, муайян категориал маъно танланади ва уни икки тилда мустақил ифодаланишнинг асосий шакллари аниқланади ва ниҳоят, мослашув жараёни ўтказилади. Ана шу асосда типолог уларнинг генетик (келиб чиқиши) қардошлигидан¹ қатъий назар тил системаларидаги изоморфлик ва алломорфликни аниқлайди. Масалан, аниқлик ва ноаниқлик категорияси ҳамма тилларда мавжуд.

Аммо қардош бўлмаган тилларда гетерогенлик системасига боғлиқ бўлган мазкур категориянинг ифода шакллари турлича бўлади. Мувофиқлашувчи шакллар яруслараро ўзгариб туриши мумкин. Аммо бу шаклларнинг барчаси муайян категория атрофига тўпланиб яруслараро тенг бўлади. «Тиллардан-тилларга таржима қилиш мумкинлигини асослайдиган нарсаси шуки, жаҳон халқлари гарчи турли-туман тилларда сўзлашсалар ҳам,

аммо уларнинг тафаккур қонунлари бир хилдир» деб ёзади Саломов⁶.

Таржима жараёни ҳам⁷ хусусиятига кўра қиёсий типология жараёнига ўхшайди, яъни бунда ҳам таржимон бошқа бирор тилда ифода этишнинг янги усуллари қидиради, чунки «таржима-ўша маънонинг айнан ўзини сақлаган ҳолда бошқа тилда қайта тузиш демакдир».

Бу фикрни лингвистлар тасдиқлашади. Масалан: «таржима жараёни бирор матннинг маълум мазмунини бир тилдан бошқа бир тилга ўгиришдир» деб ёзади А.Фостер. Ж.Элис ҳам бу фикрга қўшилиб «Таржима бир тилда баён этилган фикрнинг иккинчи тилдаги ифодасидир» дейди Т. 311is⁸. А.С.Бархударовнинг тарърифича, таржима «Бир тилдаги нутқ фаолияти (матн)ни ўзгармас мазмун плани сақланган ҳолда иккинчи бир тилдаги нутқфаолияти (матн) айлантириш жараёнидир³».

Тилларнинг типологик жиҳатдан яқинлиги таржимада маълум даражада енгиллик яратади:

- 1) типологик жиҳатдан яқинлиги кучли бўлган тилларда тенглик даражаси устун;
- 2) типологик яқинлик генетик яқинлик билан бир вақтда юз берса, таржимада қийинчилик содир бўлмайди. Масалан, бир туркий тилдан иккинчи туркий тилга таржима қилишда ортиқча қийинчилик сезилмайди, чунки бу тиллар системасидаги фонетик, морфологик ва лексик умумийликлар етарли даражада.

Таржимон таржима қилаётган тилга мос келувчи тил воситаларини аниқлайди. Маълум товушлар иштирокида ифодаланувчи мазмун ёки фикр бошқа тил шакли воситасида ифодаланади. Типологик таржимоннинг биринчи навбатдаги вазифаси умумий лексик ҳамда грамматик маънони аниқлашдан иборатдир. Таржима автоматик таржима ва бадий таржимага бўлинади. Одатда бадий таржима барча шаклларни ўзида мужассам қилади.

⁶ Саломов Г. Тил ва таржима. УзССР Фан нашриёти. Тошкент 1966. 245 бет.

Locke and Booth. Machine translation of language. NYZ, 1965, p. 124

⁸ Elis. On Comparative Descriptive Linguistics. Языковедческие исследования. Сметен Младенова. София, 1967, стр 556

Автоматикасиз таржима қилинганида матнда ўзига хос ўзгариш юз беради.

Қуйида инглиз тилида мавжуд қўшма гапларни ўзбек тилига таржима қилиш усуллари кўриб ўтамиз.

My mother and I went to the village, but the people there did not want to help us.

(subject, predicate, adverbial modifier of place, conjunction, subject2, attribute, predicate2, dir.object, indir.obj.)

Ойим ва мен қишлоққа бордик, лекин у ердаги одамлар бизга ёрдам беришни хоҳлашмади.

(ега, ўрин ҳоли, кесим, боғловчи, аниқловчи, эга, тўлдирувчи, тўлдирувчи кесим)

Ушбу қўшма гап компонентлари ҳар иккала тилда ҳам бир хил, ўзгаришсиз қолмоқда.

In twenty – four hours he was attacked by a fever, and died three days afterwards. (adv.mod. of time, subject, predicate, object, conjunction, predicate, adv.mod. of time)

У йигирма тўрт соат давомида истималади ва уч кундан сўнг вафот этди.

(эга, пайт ҳоли, кесим, боғловчи , пайт ҳоли, кесим)

Бу қўшма гап таркибидаги “was attacked by a fever” бирикмаси ўзбек тилида “истималади” сўзига тўғри келяпти, ва инглиз тилидаги “object” тушиб қоляпти. Инглиз тилидаги қўшма гапнинг биринчи қисми бироз қисқарди

I was so angry, I left the house immediately.

(adv.mod. of time, subject, predicate, object, conjunction, predicate, adv.mod. of time)

Жаҳлим чиқди, хонани дарҳол тарк этдим.

(кесим, тўлдирувчи, ҳол, кесим)

Ушбу гапда гап компонентлари сони қисқарган, инглиз тилидаги эга ўзбек тилида тушиб қолган, лекин кесимдан англашилади, яъни “жаҳлим чиқди”, “тарк этдим” кесим таркибидаги —им шахс- сон қўшимчаси орқали эгани аниқлаб олишимиз мумкин.

Таржиманинг ҳар иккала турида ҳам иш жараёни маълум босқичларга

бўлинади. Бир тилда маълум воситалар билан ифода этилган маъно иккинчи бир тилга бошқача йул билан ўтказилиши ҳам мумкин. Масалан, маълум маъно А тилда поэзия (шеърят) тили билан баён этилган бўлса, Б тилдаги таржимада бу маъно проза билан ифодаланиши мумкин ёки аксинча бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.

Байрон, Данте, Гёте, Пушкин, Навоий шеърлари ва поэмалари Шекспир трагедиялари, Шиллер драмалари кўп тилларга проза усулида таржима қилинганлиги ва Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асари ўзбек тилига проза шаклида қисқартириб таржима қилинганлиги бунга яққол мисол бўла олади.

Бир тилдаги маълум маъно ифода шаклидан қатъий назар бошқа тилда стилистик меъёрларни сақлаган ҳолда тўла ифодаланиши мумкин. Мазкур масала юзасидан Шекспир «Отелло»сининг проза усулидаги таржимаси юзасидан «Ифода шаклини эътиборга олиб фақат матн мазмунигина бир тилдан иккинчисига кучиришни таржима дейиш мумкин», деб ёзади профессор И.Р.Гальперин¹.

Демак, таржимада умумий маънога асосланиш мақсадга мувофиқдир. Қиёсий типология ва таржима бажарадиган иш жараёнини икки босқичга бўлиш мумкин.

Типологик фаолиятнинг босқичларини таҳлил қилишда турли методлардан – сегментация, субституция ва уларнинг вариантларидан, трансформациядан, семантик анализнинг асосларидан фойдаланиш мумкин⁹. Ҳар қандай типологик тадқиқот маълум соф назарий, амалий ёки методик мақсадни кўзда тутди. Ҳар бир типологик тадбир мавҳумлаш босқичи ва мувофиқлаштириш (тенглаштириш) босқичидан иборат бўлади.

Типологларнинг кўпчилиги бу босқичларни анализ ва синтез даври деб ҳам аташади. Типологияда мавҳумлаш ёки анализ даври ҳам бир қиёсланаётган тилни алоҳида ўрганиш билан боғлиқдир.

Мавҳумлаш даврида типологиялаш процесси содир бўлади.: бир ёки

⁹ Найда. Ю.А. наука перевода. В2 №4 1970, стр 7-10

ундан кўпроқ умумий категория танланади. Мазмун планидаги бирлик ёки бирликлар ажратилади, ифода планида асосий усуллар танланади.

Тил материалининг таҳлили жараёнида олинган далилларга таяниб, муайян тил системаси ҳақида тасаввур ҳосил қилинади. Маълум дифференциал хусусиятларга асосланиб, тилнинг синтетик, аналитиклиги ҳақида гапириш, уни муайян тил системасига киритиш мумкин.

Мавҳумлаштириш жараёнининг биринчи даврида эришилган натижалар барча лингвистик ва лингвистик бўлмаган фанларга баб-баравар хизмат қилади, яъни зарурат туғилганда ҳар қандай фан, шулар жумласидан таржима ҳам ундан материал сифатида фойдаланиши мумкин.

Типологик операциянинг тенглаштириш босқичи олинган натижаларни синтезлаштириш ва қиёсланаётган тилларда релевант (Relevant) мувофиқлашув воситаларни аниқлаш билан боғлиқ. Бу босқичда типологик шаклларнинг мослашиш қонуниятлари ўрганилади.

Қиёсланаётган икки ёки ундан ортиқ тил системасини мавҳумлаштириш ва мувофиқлаштириш операцияларини ўтказишда тилструктураларини системали равишда тасвирлаш ва қиёслашда жуда кўп вақт кетмаслиги учун автоматика, электрон ҳисоблаш машинаси ва техниканинг бошқа турларидан кенг фойдаланиш мумкин.

Типологик операция (ТО) тугалланган ёки тугалланмаган бўлиши мумкин. Фақат бир ярусдаги тил бирлиги анализ қилинса, бу тадбир тугалланмаган типологик операция дейилади. Икки қардош бўлмаган тиллар системаларини қиёслаш жараёни битта ярус билан чегараланмаса, тугалланган типологик операция дейилади.

Икки тилда релевант мувофиқлашув усулини топишда типоформаларни аниқлашнинг алоҳида аҳамияти бор.

Типоформа бу типологик категорияларнинг ўлчов бирлигидир. Типоформалар тилнинг ҳархил ярусларини типологик анализ қилиш билан аниқланиши мумкин. Тил ярусига кўра улар турлича бўлади: фонема (фонологик ярусда), морфема (морфологик ярусда), сўз бирикмаси ёки

гап(синтактик ярусда), сўз (лексик ярусда) ва бошқалар.

Типологияда типологик яқинлик асосан ҳар хил ярусдаги типоформаларнинг вариантларга эркин ажралмаслигига қараб аниқланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, таржима жараёниҳам босқичлар асосида олиб борилади. Автоматик ёки машина таржимасида бу босқичлар яққол ажралиб туради, автоматикасиз таржимада эса улар алоҳида ажратилмаслиги ҳам мумкин.

Таржима устида ишлашнинг дастлабки босқичини нотаниш матнни тушуниш даври ёки таржимага тайёрлаш даври дейиш мумкин. Таржимон бу босқичда чет тилдаги матн билан танишади ва уни ўрганади, таҳлил қилади ва кейинчалик мувофиқлаштириш учун асосий бирликларни аниқлайди. Таржима назариясида бу давр таҳлил ёки илмий жараён деб аталади¹⁰.

Бадий (машинасиз) таржимада мазкур жараён фикран бажарилади. Таржимон бадий таржиманинг иккинчи босқичида биринчи босқичда эришилган натижалар устида ишлаш билан шуғулланади.

Бу даврда таржимон танланган маънога янги шакл беради. Бу босқични «синтез» ёки «бадий» жараён¹¹ деб аташ мумкин. Типологик операция билан автоматик ва машина таржимаси ўртасида маълум алоқа бор. Автоматик таржимада ҳам ишжараёни даврларга бўлинади, ҳар бир даврнинг иши алоҳида-алоҳида амалга оширилади. «Машина таржима юзасидан иш олиб борилганда,- деб ёзади В.В.Иванов, -икки даврни тил элементлари орасида лингвистик алоқани аниқловчи қоидалар тузилиши ва бу қоидалардан таржимоннинг аниқ алгоритм сифатида фойдаланиши фарқламоғи керак». Типологик ва автоматик таржима бир-бири билан чамбарчас боғланган. Қиёсий типология ҳам, автоматик таржима ҳам бажарадиган ишлари хусусиятига кўра деярли бир хилдир, яъни автоматик таржима ҳам қиёсий типология сингари матнларни бир тилдан иккинчи тилга автоматик равишда

¹⁰ Успенский Б.А. Структурная типология языков. Изд-во «наука», М, 1965, Стр 55,

¹⁰ Федеров А.В. Основы общей теории перевода, М. 1968 стр. 17

¹¹ Иванов В.В. Курсатилган асар. 47 бет

ўзгартириб, тил воситаларининг мослашув қонуниятларини ўрганиш билан шуғулланади. Автоматик таржиманинг иш жараёни даврлари ҳам анализ ва синтез босқичларига, танлаш ва таржима қилиш даврларига бўлинади. Бу босқичларнинг ҳар бири кўпгина операциялардан иборат.

Ҳар бир тил системасини алоҳида-алоҳида анализ қилишнинг лингвистик босқичи бўлиб, қиёсий типология ўтказадиган биринчи босқичга ўхшаш, бунда ҳам мавҳумлаш ёки типологиялаш жараёни содир бўлади. Бу босқич бирмунча мураккаб бўлиб, кейинги бажариладиган ишлар мана шу босқич натижаларига асосланиб олиб борилади.

Иш жараёнининг иккинчи босқичи лингвистик босқичда олинган натижаларни синтезлаш, кейинчалик мувофиқлаштириш ёки ўзгартиришдан иборатдир. Демак, типология ва таржима ишининг бу босқичи ҳам, ҳар бирининг ўзига хос иш бажариш хусусиятига эга булишига қарамай бирига ўхшашдир.

Типологик таҳлил натижаларидан автоматик таржимада фойдаланиш мумкин, чунки тилни системали таҳлил қилмай туриб, автоматик таржима қилиб бўлмайди. Автоматик таржима учун тил системасини маълум шаклга келтириш, маълум программа тузиш тилшунослик фанининг зиммасига юкланади¹².

Ҳозир мамлакатимизда яратилаётган машина таржимасининг алгоритмлари грамматикага асосланади. Турли тиллар орасидаги грамматик (конфигурациялар) мувофиқликларни аниқлаш таржима деб тушунилади. Бироқ типологик тадбирнинг кўп далиллари автоматик таржима учун етарли бўлмай қолади, автоматик таржиманинг натижалари эса (масалан, турли кадрлар, формулалар, алгоритмлар, тилнинг айрим бирикмаларини символлаштирувчи ҳамда автоматик таржима учун махсус тайёрланган статистик натижаларқиёсий типология учун ортиқчалик қилиши ҳам мумкин. Автоматик таржима мустақил фан бўлиб, ўзининг мустақил иш хусусиятига,

¹² Бархударов Л.С. Колшанский Г.В. Опыты машинного перевода к вопросу о возможностях машинного перевода, 1958, стр. 132

методи ва тил материалларини инвентаризациялаш ва қиёслаш системасига эгадир. Типологик қиёслаш натижасида олинган баъзи маълумотларнинг канчалик аниқлигини машина таржимаси текшириб жараёнида кўриш мумкин'.

Қардош бўлмаган тиллар системаларининг ўзига хос катерогенлиги тил иерархиясининг барча ярусларида бирор категориянинг ифодаланиш воситасини аниқлашни талаб этади. А тилда морфологик ярус билан ифодаланувчи категория Б тилда синтактик бирликлар билан ифодаланиши мумкин. Морфологик йул билан ифодаланувчи маълум грамматик категорияни айти бир вақтда бошқа ярус бирликлари билан ҳам ифода этилиши мумкин. Барча яруслардаги бирликларнинг ифодаланиш воситаларини аниқлай туриб, турли тиллардаги мазмун планининг маълум қисмини тўла қиёслаб бўлмайди.

Таржима назарияси ҳам худди шу асосда юзага келади. Таржима учун тугалланган типологик тадбир томонида аниқланган натижалар, яруслараро типологик синонимлар ва трансформацион вариантлар муҳим аҳамиятга эгадир. Қиёсий типологиянинг таржима назариясига ёрдами шундан иборатки, у таржимонга номиналлашган ва номиналлашмаган турли трансформацион вариантларни яратишга имкон беради. Таржимон маълум бир маънони бир тилдан иккинчи тилга таржима қилаётганда тегишли бирликни қиёсий типологиядан олиши мумкин. Таржиманинг тил яруслари билан бўлган алоқасини кўрсатиш учун қуйидаги махсус бўлимлар ажратиб берилади: фонологик таржима (phonological translation), грамматик таржима (grammatical translation), лексик таржима (lexical translation), графологик таржима (graphological translation) ва бошқалар¹³.

Агар бир тилда маълум категория номиналлашган феъл шакллари ёки конструкциялари ёрдамида берилган бўлса, иккинчи тилда номиналлашган шаклларда берилиши мумкин. Масалан: *John asked Mary to come* - *Жон Меэрининг келишини илтимос қилди*.

¹³Catford J.C. A linguistics Theory of translation Oxford University press.1967.

Таржимани ҳамқиёсий типологияга ўхшаш бир ёки бир неча ярусда амалга ошириши мумкин, бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай тил яруси бирлиги таржима бирлиги бўлиши мумкин. Масалан: фонема, морфема, сўз, сўз бирикмаси, гап, матн ва ҳ.к.лар.

Аммо бир ярусдаги таржима тўла ва мукаммал бўла олмайди. Қиёсий типология ва таржима назарий ва амалий жиҳатдан бир-бирига боғлиқдир. Қиёсий типология ва таржиманинг назарий боғлиқлиги шундаки, у икки ёки ундан ортиқ тиллар воситаларини мувофиқлаштириш қонуниятларини топиш ва ўрганиш билан шуғулланади. Унинг амалий томони қиёслаш ёки таржима жараёнининг бир хиллиги деб ҳисоблаш мумкин.

1.3. Таржима ахборот алмашиш воситаси сифатида

Таржимон маълум ахборотни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилганида мазмун планига тегишли бирликни барча яруслардан танлаш мумкин.

Танланган умумий маъно иккала тилда турлича ифодаланади: Масалан, мувофиқликлар қуйидагича бўлиши мумкин.

АТ (асосий тил)	ТТ (таржима тили)
Морфема_____	сўз
Сўз_____	морфема
Сўз_____	сўз
Сўз_____	гап
Г ап _____	сўз
Гап_____	гап ва ҳ.к. ¹⁴ .

Таржимон мувофиқлашувнинг маълум қонуниятларига риоя қилган ҳолда «мақсадга айланма йул билан эришиши ва ижобий эквивалентлар яратиши керак».

¹⁴ Қундзич. Қўрсатилган асар, стр 49

Танлаш эркинлиги суистеъмол килинса, таржима маъносига таъсир қилиш мумкин. Шунинг учун мувофиқлашувнинг асосий нормасидан четга чиқмаслик керак. Алмаштиришга ҳаддан ташқари берилиб кетиш, таржима қилинаётган тилдаги муаллиф услубининг бузилишига сабаб бўлади ва бу танлаш эркинлиги бўлмай, балки таржиманинг «эркинлиги»га айланиб қолади.

Танлаш эркинлиги мувофиқлаштиришда қиёсий типологияга ҳам хосдир. Танлаш эркинлигидан катъий чегараланган меъёрда, маълум ярус доираси ҳамда бошқа яруслардаги бирликларни танлашнинг муайян бўйсунishi шарт бўлганида фойдаланиш лозим. Масалан: типологик мувофиқлаштириш нуқтаи назаридан нисбатнинг грамматик маъноси билан умумий маъно инглиз тилидан ўзбек тилига қуйидагича таржима қилинади:

- а) феъл негизига нисбатнинг сўзўзгартувчи морфемаларини қўйиш билан;
- б) отлашган сўзлар ёки номиналлашган бирликлар иштирокида;
- в) номиналлашмаган бирикмалар иштирокида;
- г) сўз ясовчи аффикслардан фойдаланиш йули билан бунга маълум нисбат формасида от қисми феълдан ясалган отлашган бирикмалар қиради.

Муайян категория доирасида аниқланган типологик бирликлар бор бўлса, қиёсланаётган тиллардаги эквивалент шаклларни аниқлаш осонлашади. Бу моделлардан четга чиқиш учун типолог эмас, фақат таржимонга рухсат этилади, чунки таржимон маълум маънони бошқа тилда тўғри ифода этишилозим.

Идиома, фразеология, мақол, матал ва бошқаларни таржима қилишда типология томонидан аниқланган мувофиқлаштириш нормасидан маълум даражада мажбурий четга чиқишга йул қуйилса ҳам, бу четга чиқиш типологик мувофиқлаштиришнинг мавжуд қонунларига зид бўлмаслиги керак. Таржимон типолог томонидан аниқланган меъёрдан қанчалик четга чиқса, муаллиф услуби шунчалик ўз таъсирини йўқотади. Таржимон муаллиф услубининг элементларини тушуниб баён этади, бунда таржимон мувофиқлаштиришнинг типологик қонуниятларига беихтиёр риоя қилади деб

изоҳлаш мумкин.

Таржима жараёнида маълум мазмунни таржимон ўзича баён этибгина колмай, балки айна бир вақтда мазкур матннинг формал, стилистик ва бошқа хусусиятларини ҳам таржима қилади.

Таржима назарияси қиёсий типологиядан қайта яратилган таржима текстидаги бадиийлиги ва таржимада мос келишининг айрим ҳоллари каби хусусиятлари билан фарқ қилади.

Таржимон қайта яратилган матннинг бадиийлигига типология асосида топилган система бирликларини бадиий сайқаллаштириш орқали эришади. Тилда мувофиқликларни аниқлаш орқали системали бирламчи мувофиқлаштириш яратилади, аммо бу бадиий таржима учун етарли эмас. Таржима қилинаётган матн системали мувофиқлаштириш қонуниятларига амал қилиш ва бу қонуниятларга амал қилмаслик орқали бадиий ишланади. Таржима назарияси ва қиёсий типология бундай қонуниятларни излаш билан шуғулланиши керак, чунки ҳарқандай қатъиятсизлик асосида муайян қонуният ётади. С.Бархударов бундай қатъиятсизлик ҳолларини ва таржима қилишда содир бўладиган кийинчиликларни ҳам кўрсатиб ўтса-да, уларни таржима назариясига киритмайди.

Қиёсий типология билан шуғулланадиган система мувофиқлигининг топилиши таржима учун етарли эмас, чунки «таржиманинг вазифаси бошқа тилга грамматикани эмас, балки таржима матни мазмунини етказишдир».

Қиёсий типология ҳам, таржима ҳам асосланадиган умумий маънони тушунишда баъзи муаммолар бор.

Агар умумий маъно қиёсий типология ва таржима учун бир хил бўлганида, бу иккала мустақил фан ўртасида фарқ бўлмасди.

Маънонинг икки тури мавжуд, яъни грамматик ва лексик маъно. Мазмун плани бирлигининг ана шу икки томонига асосланиб, қиёсий типология ва таржима назарияси бир биридан фарқ қилинади.

Икки тилда қиёслаш учун умумий маъно тарзда мавҳумлашган грамматик маъно олинади. Қиёсий типология типологиялаш ва таҳлил учун

умумий маънони асос қилиб олади. Ниҳоят, типолог бу воситаларнинг мувофиқлашув бирликларни топади. Таржимада эса мазкур матндаги лексик бирликлардан қилиб чиқадиган конкрет предмет ёки лексик маъно қиёслаш учун умумий маъно вазифасини ўтайди. Конкрет маъно таржима учун, мавҳумлашган грамматик маъно эса қиёсий типология учун асос бўлади.

М.А.Халлидей лексика ва граматиканинг асосий фарқ қилувчи хусусиятлари ҳақида қуйидагиларни ёзади: «In other words there is a definable sense in which more abstraction is involved in grammar than is possible in lexis»¹⁵.

Лексик бирликларнинг конкрет ва реал маънолари йиғиндиси умумий реал маънони, грамматик бирликларнинг мутлақ мавҳумлашган маънолар йиғиндиси эса умумий грамматик маънони акс эттиради. Таржима реал маънодан, қиёсий типология эса грамматик маънодан фойдаланади. Маънонинг бу икки томони ўзаро боғлиқ ва бир-бирига ўтувчан бўлиб, уларнинг бири иккинчисини тақозо этади.

Қиёсий типология тилнинг грамматик ва лексик инвентарига асосланади. Тил системаларини аниқловчи формал хусусиятларни қиёслаш билан машина шуғулланганда эди, бу иш матнни бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишдан кўра осонроқ бўларди. Грамматик ярусда сўз муносабатини аниқлаш лексик ярусдагидан кўра осон, чунки лексик ярусда сўзлар ўртасидаги алоқа фақат тил системаси билан эмас, балки ташқи борлиқ томонидан ҳам аниқланади.

Типолог типологик қиёслаш орқали икки тилдаги мавҳум грамматик мазмун ифодаланишининг эквивалент формалари орасидаги мувофиқлашув қонуниятларини аниқлайди. Таржимон учун эса муайян маънони бир тилдан иккинчи тилга кўчиришда тил системаларининг мавҳумлашган моделлари керак бўлади. Ҳар бир лингвистик бирлик ҳам мавҳум грамматик маънони, ҳаммоддий маънони ифодалагани учун таржимон бир йула ҳар иккаласини мувофиқлаштириши керак, чунки биринчиси типологик системага асосланади, иккинчиси эса соф таржима, яъни лексик бирликлар иштирокида

¹⁵ Бархударов Л.С. Сущность перевода. Курс лекции по теории перевода. М. 1968, стр 3

англатиладиган реал маънонинг таржимасидир.

Бу реал маънони денотатив (denotative) материал (nominative) маъно дейиш мумкин. Ф.С.Бархударовнинг ёзишича, денотатив маъно таржимада жуда муҳим ҳисобланади¹⁶.

Шундай қилиб, маънонинг икки тури, яъни реал лексик маъно ва мавҳумлашган грамматик маъно мавжуд бўлиб, реал лексик маъно лексик birlikларнинг кетма-кет бирикишидан ҳосил бўлган маъно бўлса, мавҳумлашган грамматик маъно грамматик элементлар ва шаклларнинг маъносидир.

Қиёсий типология тил birlikларини мавҳум планда ўрганса, таржима уни умумий планда ўрганади.

Қиёсий типология тил системаларни қиёслайди, таржима эса бу системалар birlikларини тадқиқ этади.

Лексик маъно логик (предмет, асосий, тўғри, номинатив), аташ ва эмоционал маъноларни англатади.

Реал маъно лексик birlikка, яъни сўзга, мавҳумлашган грамматик маъно эса турли грамматик birlikларга тааллуқлидир¹⁷.

Реал маъно ва мавҳумлашган грамматик маъно бир-бирига боғлиқ бўлгани сингари таржима назарияси ва қиёсий типология ҳамўзаро боғлиқдир.

Хар иккала боғлиқлик тўла акс эттирилганидагина таржима адекватлиги сақланиши мумкин. Таржима адекватлиги деганда текстнинг реал маъносини аниқ баён этиш ва тил қоидаларини сақлаб қолиши тушунилади¹⁸.

Қиёсий типология ва таржима учун қиёсланаётган тилларнинг генетик

¹⁶ Бархударов Л.С. Языковые значения и перевод. Вопросы теории и методики преподавания перевода. М. 1970. стр 15-16

¹⁷ Шайкевич А.Я. Распределение слов в тексте и выделение семантических полей. ИЯВШ. Теоретический сборник. Росвузиздат, 1963, стр 14

¹⁸ Бархударов Л.С. Некоторые вопросы теории перевода. Русский язык за рубежом. 1968. стр 101 Шу масала юзасидан Ж.Кэтфорд куйидагиларни ёзади. Translation equivalences may be set up and translation performed, between any pair of languages or dialects "related" or "unrelated" and with any kind special temporal social or other relationship between them. Catford T.C., A linguistic theory of translation London, 1965. p 20

қардошлиги ва қардош эмаслиги унчалик аҳамиятга эга эмас.

Типологияда қиёсланаётган тиллар қардош ёки қардош бўлмаслиги мумкин. Шу принципга асосланиб, ҳар қандай тилни бошқа бир тилга таржима қилиш мумкин.

Таржима учун тиллар системалари орасидаги типологик яқинликнинг аҳамияти катта. Типологик яқинлик ва узоқликка қараб типологияда ҳам, таржимада ҳам маълум қулайлик ва қийинчиликлар туғилиши мумкин.

а) типологик жиҳатдан яқин бўлган тилларда бир ярусли эквивалентнинг формал томони қиёсий типологияни тўла, таржимани эса қисман қаноатлантиради. Формал мос келиш таржиманинг бир томонини ташкил этади, чунки таржима матни одатда оригинал матнидан кўпроқ бўлади. Формал яқинлик соф типологик бўлиши мумкин, аммо унда ҳамма маъно ўхшашлиги бўлавермайди. Бу ўринда ҳозирги ўзбек тили (шунингдек, бошқа туркий тиллар) системасини ҳозирги венгр тили системаси билан қиёслаш мумкин. Бу икки тил формал ярусда ўхшаш бўлиб, маъно ярусидан эса бири-биридан фарқилади. Мана шу шакллар ёки типологик ўхшашликларни аниқлаш автоматик таржиманинг биринчи босқичида юз беради.

б) таржимада тенглик генетик қардошликнинг типологик яқинлик бўлиб бирга келишига қараб ортиб боради.

Генетик яқинқардош тилларда формал типологик яқинлик маъно ёки материал яқинлик бўлиб, улар бир вақтда руй беради. Масалан: туркий тилларда типологик яқинлик генетик яқинлик билан бирга юз беради. Шунинг учун ҳам бир қардош тилдан иккинчисига таржима қилиш осон кечади.

Системалари ўхшаш ёки ўхшаш бўлмаган тилларни таржима қилиш масаласи типология ва таржима назарияси ҳақидаги илмий адабиётларда деярли ёритилмаган.

Таржима назарияси ва қиёсий типология ўзига хос хусусиятларга эга бўлган мустақил фанлардир.

Улар ўртасидаги асосий фарққуйидагилардир: а) таржима назарияси танлаш эркинлигига эга; б) қиёсий типологияда умумлашган ёки мавҳум грамматик маъно акс этса, таржимада танланган умумий конкрет предмет маъноси акс этади.

Танлаш эркинлиги бадиий таржима учун хос хусусиятлардан бирихисобланса, автоматик таржима учун хос хусусият эмас.

Қиёсий типологиян таржима назариясидан фарқловчи хусусиятлардан бири уни танлаш эркинлигига эга эканлигидир. Қиёсланувчи тиллар системаларининг турли-туманлиги, таржима қилинадиган, оригинал матндаги фикрларнинг субъективлиги ва шунга ўхшаш бир қанча омиллар қиёсий типология ва таржима назарияси учун маълум қийинчиликлар туғдиради. Бу қийинчиликларни бартараф этиш йулларидан бири маълум фикрни бир тилдан иккинчи тилга трансформация қилишда қўлланиладиган тил воситаларининг турли вариантларини танлай олишдир.

Танлаш эркинлиги деганда типология ёки таржимада маълум бир маънони ифодалашда турли ярус birlikларига тегишли лингвистик birlikлардан эркин фойдаланишни тушунамиз.

Танлаш эркинлиги:

- 1) бир ярус birlikгини бошқа ярус birlikги билан алмаштириш;
- 2) таржиманинг тасвирий усулларидан фойдаланиш;
- 3) услуб жихатдан мос келадиган воситаларни танлаш;
- 4) омонимия ва бошқаларни қўлламаслик учун синонимик шакл ва конструкцияларни қўллаш каби усуллар орқали эришилади.

Таржима жараёнидаги танлаш эркинлигининг юқорида кўрсатилган усулларига махсус равишда тўхтаб ўтишнинг ҳожати йўқ.

Қиёслаш ҳар бир тил системасини мустақил ўрганиш асосида олиб борилиши шарт.

Тил системаларини қиёслаш реал маънодан фарқ қиладиган, мавҳумлашган формал грамматик маънога таяниши керак. Реал маънони англатиш пайтида тегишли тил моделлари пайдо бўлади.

Қиёсий типология қўшимча материал тарзида таржима асаридан ҳам фойдаланади.

Таржиманинг асосий мақсади конкрет маънони ифода этиш бўлгани учун бир категорияни бошқаси орқали ифодаланганда грамматик категориал маъно ўзгариши мумкин.

II боб буйича хулосалар

1. Типолог типологик қиёслаш орқали икки тилдаги мавҳум грамматик мазмун ифодаланишининг эквивалент шакллари орасидаги мувофиқлашув қонуниятларини аниқлайди. Таржимон учун эса муайян маънони бир тилдан иккинчи тилга айлантиришда тил системаларининг мавҳумлашган моделлари керак бўлади. Ҳар бир лингвистик бирлик ҳам мавҳум грамматик маънони, ҳам конкрет материал (material) маънони ифодалагани учун таржимон бир йула ҳар иккаласини мувофиқлаштириши керак.
2. Мавжуд грамматикалардаги асосий йўл «тил белгисининг шаклидан унинг маъносига» тарзида бўлиб, бу мутлақо семасиологик ёндашувдир, уларда ономасиологик ёндашув йўқ. Она тилини ўрганишда ҳам, чет тилини ўрганишда ҳам семасиологик ёндашув билан бир каторда ономасиологик ёндашув бўлмас экан, жиддий натижага эришиб бўлмайди.
3. Анъанавий тилшуносликда яратилган шаклий (формал) синтаксисга оид тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоя каттадир. Қўшма гап ва унинг таркибий хусусиятларига бағишланган ишлардаги илмий асосланган ғоялар бугунги тилшуносликда қўшма гап табиати ва унинг мазмуний-таркибий хусусиятларига оид янгича қарашларнинг пайдо бўлиши учун қонуний равишда мустаҳкам замин ҳозирлади.

III БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ҚЎШМА ГАПЛАР ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

3.1. Қўшма гаплар таржимаси муаммолари

Таржима назарияси структурасига тўхталадиган бўлсак, у умумий ва хусусий назариялардан иборатлигини кўришимиз мумкин. Умумий назария таржиманинг жанр хусусиятлари, уни амалга оширилиши, у ёки бу аниқ типнинг хусусиятидан келиб чиқадиган узига хосликни инобатга олмаган ҳолда ўрганади. Хусусий назарияларнинг уч тури мавжуд. Биринчи навбатда, матн жанри турига қараб турли соҳаларга бўлинади (бадий, илмий техникавий, публицистик таржима ва ҳоказолар).

Умумий ва хусусий назариялар ўртасида ўзаро жипс алоқа мавжуд бўлиб, хусусий ва махсус назариялар умумий таржима назарияси қонуниятларини таржиманинг алоҳида олинган типлари ва кўринишларга мос равишда аниқлаштириб беради.

Кейиги гуруҳга таржимани амалга ошириш шароити ва усулига кўра турлари қиради: (оғзаки, изчил, синхрон, икки томонлама таржима ва ҳ.к.). Ва ниҳоят хусусий назарияларнинг яна бири бу, муайян икки тил таржимаси ҳақидаги назариялардир (инглиз тилидан рус тилига, ўзбек тилидан рустилига ва ҳоказо).

Лингвистик тадқиқотлар шу нарсани кўрсатдики, таржима назарияси ўз олдига қуйидаги асосий вазифаларни қўяди:

1. таржиманинг умумлингвистик асосларини очиб бериш ва тасвирлаш, яъни тил системаларининг қандай ўзига хос хусусиятлари ва қонуниятлари таржима жараёни асосида ётиши ва бу жараённинг амалга ошишини таъминлайди, унинг характери ва чегараларини белгилаб беради;
2. таржимани лингвистик тадқиқот объекти деб аниқлайди, унинг тил воситачилигининг бошқа турлари ўртасидаги ўрнини аниқлаб беради;
3. таржимонлик фаолияти турларини классификация қилиш асосларини ишлаб чиқади.

Таржима оригиналига функционал мазмуний ва структуравий жиҳатдан тенг деб қабул қилинганлигида намоён бўлади.

Фан мазкур соҳадаги мавжуд қонуниятларни ўрганишни тақозо этади.

Таржимани ўрганишга келсак, оригинал тили ва таржима тилининг қонуниятларини бу икки тилнинг муносабати материалларини системалашни кенгрок умумлашмалар қилишга олиб келади. Шундай йул билан таржима назариясини тил ва услуб қонуниятини ўрганадиган илмий фанга айлантириш мукин.

Тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида таржима назариясини ҳар қандай ҳолатда қандай таржима қилиш керак, деган тор амалий рейеплар йигиндисига тенглаштирмаслик керак. Таниқли назариячи А.В.Федеров таъкидлаганки,

- 1) юқоридагидек қоидалар яратишнинг иложи йук.
- 2) назария ва амалиёт, ораларидаги алоқанинг қай даражада қалин бўлишига қарамасдан, ҳеч қачон бир-бирига қарши қўйилмайди, уларнинг вазифалари турличадир (қиёсланг, адабиёт фан сифатида ёзувчиларга қандай ёзиш кераклиги ҳақида маслаҳат ва тавсиялар беришга мажбур эмас, худди шунигдек, мусиқани ва мусиқа назариясини, рассомчилик назариясини ва амалиётини, архитектура ва архикектура назариясини олишимиз мумкин), ўзининг аспектида таржима назарияси таржима фактларини таҳлил қилади, тушунтиради, фактларни умумлаштиради, тиллар ўртасида мос келиш ва фарқланиш ҳолларини кўрсатиб беради. Таржима назарияси томонидан яратилган умумий қонуниятлар асосида кейинчалик якка хусусий ҳолатлар ҳақида аниқ хулосалар чиқариш мумкин бўлади. Бу хулосалар ҳамқўп вариантли бўлиши мумкин, бу ўринда масалаларни ҳал этишда шаблонлардан узоқроқ юриш маъқул. Икки тил ўртасидаги муносабатларда қонуниятларнинг мавжудлиги, улар ўртасидаги ўхшашликлар ҳар доим бир хил таржима усулларини қўллаш керак деган хулоса чиқаришга олиб келмайди. Ҳал килувчи ролни доимо контекст, конкрет ҳолат уйнайди. Бадиий адабиёт таржимасига келсак, у санъат бўлганлиги учун стандарт қарорларга йўл қўйилмайди. Бундай вазифани тўғри бажаришдан асосий мақсадга эришиш, яъни у ёки бу аниқҳолатдаги матннинг мазмуни ва услубий бўёқларининг кутилганидек бўлишини таъминлайди. Бадиий

адабиёт таржимасининг хусусиятлари уни таржима фаолиятининг бошқа турлари билан қиёслаганда намоён бўлади. Болгар назариячиси Б.Александр таржима турлари учун умумий тушунча ҳақидаўз қарашларини билдиради. Бунда уҳарқандай коммуникатни бир коддан бошқа кодга айлантиришни, таржиманинг алоҳида турлари (унинг терминологияси бўйича жанрларини) ижтимоий, сиёсий, илмий-техник, бадиий матн таржимасининг реализациясини «идеал»ни таржима қилишнинг бир қисми деб қаралади. Ўз фикрларида Л.Александр «умумий таржима» тушунчасининг мавжудлигини қуйидаги гипотетик шарт-шароитлар билан изоҳлайди:

- а) таржиманинг юқорида номи зикр этилган уч тури- бу битта умумий тушунчанинг кўринишларидир. Умумий лисоний асосдан ташқари уларнинг, шубҳасиз, ўзига хос томонлари ҳам бор (масалан: агар бир тилдан иккинчи бир тилга таржимани А-билан белгиласак, бадиий адабиёт таржимаси А-Х бўлади).Алоҳидамахсус таржима назариясининг мақсади мана шу хусусий таржима турининг хусусиятларини ўрганишдир;
- б) таржиманинг барча уч турининг мақсади бирхил, оригинал билан мос келувчи инвариант информациясини етказиш;
- в) таржиманинг барча турларида, масалан, бир табиий тилдан бошқа бир тилга таржима қилинган тури ижодий характерга эга, у эса табиий тилларнинг ўзига хослигидан келиб чиқади (сунъий тилларда бу нарсa кузатилмайди);
- г) таржиманинг уч турида лингвистик ҳамда нолингвистик ёндашувлар мавжуд, учала таржима ҳам таржима қилинган ахборотнинг тушунилишини тақозо этади. Тушуниш эса бу ахборотнинг тил компонентларининг муаммолари услубий рангини бир хил аниқлашдан иборат бўлади. Тилни тасвирлашнинг ҳозирги босқичида бу мос тушишни фақатгина контекстнинг ўзига суянган ҳолда амалга ошириб бўлмайди. Нолисоний ёндашувнинг муқаррарлиги (лисоний алоқанинг махсус усули), ҳар бир ҳолатда турлича бўлади, тил системаси ҳақидаги бизнинг билишимиз қанчалик мукамал бўлса, у шунчалик озайиб боради. Бадиий таржималарда нолисоний ёндашув

таржиманинг лисоний асоси томонидан тақозо этилади ва адабиётшунослик ёндашуви тарзида амалга оширилади ва таржима санъатининг ўзига хос характери ва таржиманинг бу турининг ижодий характери белгилаб беради;

д) таржиманинг барча турида сифатли ва аниқ деб фақатгина мақсадга эришилган, яъни инвариант информацияни бера олган ва оригинал билан бир хил функция бажараётган таржималар тушунилади.

А.Людсконов ягона ва терминологик жиҳатдан бутун бўлган ягона таржима назарияси яратиш томон бир қадам қўйди. У тасвир қилган тушунча, биринчи навбатда таржима ҳақидаги фанни системалаш учун зарур бўлади. Чунки у бу фанни икки қисмга бўлади: умумий ва хусусий; шу билан бирга у масалани бутунча ўрганиш фикридан йироқ эмас ва бунда у матннинг функционал инварианти тамойилига суянади. Аммо тилнинг ифода воситалари қайси тамойилга асосан йиғиб олинishi керак, уларнинг характери қандай баҳолаш керак, бу саволларга унинг концепцияси жавоб бермайди.

Таржималар типологияси ҳақида гапирар экан, Антон Папович унингфункционал томонини ривожлантиради ва уни алоҳида олинган шакл ватаржима қатламларининг классификацияси учун бошланғич нуқта сифатида фойдаланади. У таъкидлаганидек: «бу каби узигахослик фақатгина шундай ҳолатда намоён бўладики, агар биз матннистатистик нуқтаи назардан таҳлилқилишга эътибор қаратсак, бунинг учун алоҳидаолинган стиллар систематикасини яратиш керак». Таржимаҳақидаги яхлитфаннинг алоҳида унсурларини ушбу олим назарий фанлар сифатида белгилайди (рим рақами билан кўрсатилган) ва таржима фаолиятини кўрсатади (ҳарфлар билан белгиланади):

I. Умумий таржима назарияси

- а) Оғзаки таржима шакллари назарияси;
- б) Ёзма таржима шакллари назарияси;
- в) Машинада килинадиган таржима назарияси.

II. Хусусий таржима назарияси

A) Илмий-техника таржимаси назарияси:

1. Техника таржимаси (алоҳида ва хусусий турларнинг назарияси);
2. Илмий матнлар таржимаси;
3. Техник матнлар таржимаси;

Б) Публистик матнлар таржима назарияси.

В) Бадиий матнлар таржима назарияси:

1. Шеърӣ таржима назарияси;
2. Проза таржима назарияси;
3. Драматургия таржима назарияси;

III. Таржима амалиётшунослиги

а) Таржима социологияси;

б) Таржимани таҳрир қилиш амалиёти;

в) Таржимани танқид қилиш методологияси;

IV. Таржима дидактикаси

а) Таржимани ўқитиш;

б) Таржиманинг қўлланилиши;

Таржиманинг алоҳида турларини функционал жиҳатдан қамраб олишга уриниш қатор олимлар томонидан амалга оширилган. И.И.Ревзин, Ю.В.Розецвейич, Р.К.Миньяр-Белоручев, А.В.Федеров ва бошқалар назария юзасидаги фаолият шу фикрни тасдиқлайдики, таржима назарияси ҳамма ерда фан сифатида тан олинди ва уметатилни қўллай бошлади ва анъанавий тилшунослик тадқиқотлари билан бир каторда таржимани яхлит тарзда ўрганишга қаратилмоқда. Таржима назарияси ва у билан қариндош фанлар ўртасидаги ўзаро бир-бирини тўлдириш тамойили амалга ошиши керак. Масалан, тил маънолари, коннотация ва денотация таржима операцияларини услубий баҳолашда бошлангич нукта бўлиб хизмат қилади. Таржимани илмий жиҳатдан тадқиққилиш бу эстафетага ухшайдики, бунда босиб ўтиладиган йулнинг ҳар бир қисми тенг даражада муҳимдир. Шунинг учун таржимонни тайёрлаш ҳеч қачон бир томонлама бўлмаслиги керак, масалан:

тилни яхши билиш услубий нуқтаиназардан таржимон вазифани уддалайди дегани эмас. Қиёсий тилшуносликни, тилларни, уларнинг тизимини билмасдан туриб таржимоннинг услубий қобилияти намоён бўлмайди. Таржимоннинг ишига талаб сифатида таржимани белги даражасида тушуна олиши ҳам қўйилади. Бунинг устига ўз-ўзидан маълум бўлган муаммо, таржима ишининг мафкўравий (ижтимоий-маданий) аҳамиятини ҳам унутмаслик керак.

Таржимани тилшуносликда ўрганишнинг энг муҳим методи деб таржиманинг қиёсий таҳлилини айтиш мумкин. Бу ерда таржима матнининг шакли ва мазмуни оригинал асар матни шакли ва мазмуни билан қиёсланади.

Бу матнлар кузатиш ва таҳлил қилиш имкони бор бўлган объектив фактлардир. Таржима жараёнида турли тиллардаги икки матн ўртасида муайян алоқалар ўрнатилади. Бу каби матнларни қиёслаш йули билан таржиманинг ички механизмини очиш, эквивалент бирликларни аниқлаш, шакл ва мазмунда бўладиган ўзгаришларни аниқлаш, асл нусхадаги бирликни таржима тили бирлиги билан алмаштириш вақтида содир бўладиган турли бошқа жараёнларни кузатиш мумкин. Бу йул билан бир аслнусҳани бир неча таржима матни билан қиёсласа бўлади. Таржиманинг қиёсий таҳлили шу нарсани аниқлашнинг имконини берадики, унда типик кийинчиликларнинг олдини олиш йуллари кўрсатилади, ҳар биртилнинг ўзига хослигидан келиб чиқиш тушунилади ва асл нусханинг қиёсий элементлари таржимада белгиланганлиги кўрсатиб берилади. Натижада эса реал жараённи тасвирлаб берувчи фактларнинг тасвири олинади.

Таржиманинг қиёсий таҳлили лингво таржимашунослик тадқиқоти сифатида шундай нуқтаи назарга асосланадики, бу давр мобайнида амалга оширилган таржималар йигиндиси таржима назарияси ва амалиётининг ўша босқичида мавжуд муаммоларнинг оптимал ечимининг қай даражада бўлганлиги кўрсатилади.

Таржималарнинг қиёсий таҳлили яна шу нарсани кўрсатадики, таржима жараёнининг натижаси унинг моҳиятини билдиради. Субъективлик

хар доим мавжуд бўлган, алоҳида шахс иш ҳаракатининг иш маҳсули бўлганлиги учун ҳар бир нутқ актининг ўзи ҳам субъективдир. Таржима вариантини танлаш маълум даражада таржимоннинг квалификацияси ва шахсий хусусиятларига боғлиқ. Лекин таржимоннинг субъективлиги асл нусха таржимасининг иложи борича тўлароқ мазмунини бера олиши билан чекланади. Бундай бера олиш имконияти эса объектив мавжуд ва таржимонга боғлиқ бўлмаган муносабатлар, яъни икки тил мавжудлиги ва қўлланиш қўламининг ўзига хослиги туфайли келиб чиқадиган муносабатлардир. Шундай қилиб, таржима таржимон томонидан объектив муносабатларнинг реализацияси дея эътироф этиш мумкин. Таржиманинг субъективлиги унинг илмий таҳлили учун объект бўлишига тўсқин бўла олмайди. Буни шунга қиёслаш мумкинки, нутқ актларининг субъективлиги у ёки бу тил системасининг мавжудлиги ҳақида объектив хулосалар чиқаришимизга халакит қила олмайди. Айрим таржималарда хатолар учраши мумкин, лекин етарли миқдордаги материал таҳлил қилинганда бу каби хатолар енгилгина топилади ва йўқотилади.

Таржималарнинг қиёсий таҳлили оригинал ва таржиманинг алоҳида олинган унсурлари ўртасидаги мос тушишнинг табиати ҳақида информация олиш имконини беради. Қуйида инглиз тилидаги эргаш гапли қўшма гапларни ўзбек тилига таржимасидан мисоллар келтирамиз.

Масалан: инглиз тилидаги аниқловчи эргаш гаплар ўзбек тилига қуйидаги воситалар ёрдамида таржима қилинади:

1. Аниқловчи функциясидаги сифатдош бирикмаси билан:

He says things which need saying and which none of us have the courage to say.
(E.L.Voynich). – Ҳеч биримиз айтишга ботина олмайдиган, лекин айтилиши керак бўлган нарсаларни айтибди. (Войнич).

Thoughtfully he went up the side street to the house where he had lodged.
(P.Abrahams). – Ўйга чумиб, тор кўчадан ўтди-да, ўзи турадиган уйга кирди. (П.Абрахамс).

2. Содда ёки боғланган қўшма гап компоненти билан: *He will preach first in*

Florence, where he will stay about three weeks. (E.L.Voyinich).– Аввал Флоренцияга тушиб ва қайтади, у ерда уч ҳафтача туради. (Э.Л.Войнич).

3. Аниқловчи эргаш гап билан: *There are people, who do not admit their mistakes. -Шундай одаллар борки, улар ўз хатоларини тан олмайдилар.*

Тўлдирувчи эргаш гап. Бош гапнинг феъл кесимига тўлдирувчи бўлиб келадиган эргаш гаплар тўлдирувчи эргаш гап дейилади:

Lakky understood what she meant. (P.Abrahams).

Тўлдирувчи эргаш гап бош гапдаги феълнинг шахсиз формасига, сифатга ёки ҳолат маъносини ифодаловчи сўз туркумига ҳам қарашли бўлиши мумкин.

Villier wanted to know what I intended doing. (P. Abrahams).

Are you satisfied that your informant is correct in his facts? (E.L.Voyinich).

She was still unawake of what it was about. (G.Greene).

Тўлдирувчи эргаш гаплар бош гапга қуйидаги воситалар ёрдамида боғланади:

a) that, if, wheher боғловчи ёрдамида:

She saw that he would get little information and no help from Mrs.Page. (A.Cronin).

Now she began to question if there was not some truth in what Denny said. (A.Cronin).

She saw that he would get little information and no help from Mrs. Page. (A.Cronin).

Now she began to question if there was not some truth in what Denny said.

(A.Cronin).

б) who, which, what, whatever, whoever, whichever каби боғловчи оломошлар ва where, when, how, why каби боғловчи равишлар орқали: *I don't know what I am talking politics for. (G.Green).*

He decided to find out why they called Sam Tad. (P.Abrahams).

And this girl if his? - do you know where she was? (G.Green).

Предлоглар ёрдамида. Масалан: *I believe in what I hear though the ends of my stethoscope. (A.Cronin).*

And he was nothing to what his father had been. (T.Hardy).

2)Боғловчисиз ҳам боғланиши мумкин.

At any rate, I know he has lived out there. (E.L.Voynich).

He told himself it was a stupid case of injured pride. (A.Cronin).

Инглиз тилидаги тўлдирувчи эргаш гаплар ўзбек тилида тўлдирувчи эргаш гаплар воситасида таржима қилинади.

Bass Gert gave the money and insisted that you be sent to Cape Town. (P.Abrahams). –Бас Гертнул бериб, сени Кейптаунга юборинглар деб буюрган эди-да.(П.Абрахамс).

Tell her I want to marry her. (G.Green). –Айтинг унга уйланмоқчиман.(Г.Грин).

Инглиз тилида тўлдирувчи эргаш гапли қўшма гаплар орқали таржима қилинади. Бунга тўлдирувчи эргаш гап номилизацияланиб, ёйиқ тўлдирувчи функциясида бирикма билан берилади.

I told you once that I have no one in the world but you. (E.L.Voynich).

Дунёда сендан бўлак ҳеч кимим йўқлигини бир куни сенга айтиб эдим. (Э.Л.Войнич).

Ҳол эргаш гапли қўшмагап. Бош гап таркибидаги феъл, сифат ва равишни характерлаб, қўшма гап таркибида холл вазифасида келувчи эргаш гаплар холл эргаш гаплар дейилади. Мисоллар:

In general cows were milked as they presented themselves, without fancy or choice. (T.Hardy).

The son was returning with even more success than the committee had hoped for. (G.Green).

Англлатган маъноларига кўра ҳол эргаш гапларнинг пайт эргаш гап, ўрин эргаш гап, сабаб эргаш гап, мақсад эргаш гап, натижа эргашгап, тўсиқсиз эргашгап, шарт эргашгап, равиш эргаш гап ва қиёсий эргаш гап каби турлари мавжуд.

Пайт эргашгап: Бош гапда ифодаланган иш-ҳаракатнинг пайтини кўрсатадиган эргаш гаплар пайт эргаш гап дейилади.

Пайт эргаш гап бош гап when, while, as, till, until, as soon as, as long as, since, after, before каби боғловчилар ёрдамида боғланади. Мисоллар: *When he spoke to Arthur its note was always that of a caress. (E.L. Voynich).*

I ought to have insisted on your taking a through rest before you left Leghorn. (E.L.Voynich).

Инглиз пайт эргаш гаплари ўзбек тилига кесими сифатдош ёки равишдош билан ифодаланган пайт эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади.

Ўрин эргаш гап: Бош гапдаги ҳаракатнинг ўрнини кўрсатган эргаш гап ўрин эргаш гап дейилади. (Э.Л.Войнич).

Ўрин эргаш гап бош гапга where ва wherever боғловчилари ёрдамида бирикади:

I could see lamp burning where they had disembarked the new American planes. (G.Green).

You are a good boy the old man said, storing away to where the sun was sliding in to obscurity behind the distant western hills. (P.Abrahams).

Инглиз тили ўрин эргаш гапи ўзбек тилига ўрин эргаш гаплар ёрдамида таржима қилинади.

Where's there's smoke, there is fire. (P.Abrahams). –Қаерда тутун бўлса, ўша ерда олов ҳам бўлади.(П.Абрахамс).

Баъзан инглиз ўрин эргаш гаплари ўзбек тилига аниқловчи

функциясидаги сифатдош бирикмалар ёрдамида ҳам таржима қилинади.

Сабаб эргаш гап: Бош гапда иш-ҳаракатнинг юзага келиши сабабларини билдирувчи эргаш гап сабаб эргаш гап дейилади. Сабаб эргаш гаплар бош гапга because, as, since, for fear, for the reason that, on the ground that каби боғловчилар ёрдамида бирикади:

Her taunt had stung him more deeply because he felt it to be unfair. (A.Cornin). As I must give the welcome speech, I will go down now and prepare it. (P.Abrahams).

Инглиз сабаб эргаш гаплари ўзбек тилига асосан сабаб эргаш гаплар орқали таржима қилинади:

Perhaps he was killed by General The because he knew the Caodaists. (G.Green). – Ким билади, эҳтимол, каодистлар билан таниш бўлганидан уни генерал The ўлдиргандир.

Мақсад эргаш гап: Бош гапдаги иш-ҳаракатнинг қандай мақсад билан юзага келганини ифодаловчи эргаш гаплар мақсад эргаш гаплар дейилади.

Мақсад эргаш гаплар бош гапга that, in order that, so that, lest сингари боғловчи билан боғланади:

Montanelly turned his head away, that he may not see them. (E.L.Voynich).

He cursed himself bitterly for not begin able to speak Afrikaans so that he could explain to her. (P.Abrahams).

Инглиз мақсад эргаш гаплари ўзбек тилига мақсад эргаш гаплар воситасида таржима қилинади.

I held whisky out to him so that he could see how calm my nerves were.

(G.Green). – Менинг асабларим қандай мустаҳкамлигини кўриб қўйсин деб қўлимни титратмасдан унга стаканда виски узатдим. (E.Ерин).

Натижаэргашгап: бош гапда ифодаланган ҳаракатнинг натижасини билдирувчи эргаш гаплар натижа эргаш гаплар дейилади. Натижа эргаш гаплар кўпинча қўшимча даража маъносида ҳам бўладилар.

Соф маънодаги натижа эргаш гаплар бош гапга sothat боғловчиси ёрдамида боғланади:

She got quickly up, shaking the yellow tree so that it showed its petals over my type writer. (G.Green).

1.2. Инглиз ва ўзбек тилларида қўшма гапларнинг қиёсий типологияси

Ҳозирги тилшуносликдаги истиқболли йўналишларидан бири мазмуний синтаксисдир. Маълумки, кейинги йиллардаги жаҳон тилшунослиги тилнинг мазмун томонини актив ўрганишнинг кучайиши билан характерланади. Аслида тилни бундай ўрганиш тилшуносликда жуда илгари, қадимги даврдаёқ бошланган, лекин унда асосан, сўзнинг маъносини ўрганиш билангина (лексикография) чегараланилган. Бевосита гапнинг мазмуний жиҳатларини ўрганиш нисбатан кейинги пайтларга тўғри келади.

Инсоннинг билиш фаолияти бевосита, энг аввало, тилнинг мазмун томони (семантикаси) билан боғлиқ. Лозана (Швейцария) университети ва Париждаги Олий амалий мактабнинг профессори Муртазо Махмудян таъкидлаганидек, “Тил, ўзтаърифига кўра, инсоният тажрибасининг барча соҳаларини қамраб олмоғи лозим”. Айни чоқда, тилнинг тафаккур билан боғлиқлиги, айниқса, гап (жумла) тузиш жараёни ва гап мазмунини идрок этишда яққол кўринади. Воқеаларнинг намоён бўлиш шакли билан моҳияти бевосита мос келганда эди, у ҳолда бошқа фанларга зарурат қолмас эди.

Ҳар қандай фан каби тилшуносликнинг ҳам бош мақсади тил ҳодисаларининг шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабат қонуниятларини излаш ва изоҳлашдан иборат. Тил бирликларининг шакли ва мазмуни ўртасидаги муносабат эса жуда мураккабдир. Тилшунос С.Д.Кациельсон фикрича: “Грамматиканинг катта қисмини сув остида яширинган муз тоғи билан қиёслаш мумкин”. Яширин грамматик шакллари тадқиқ этиш учун тилнинг мазмуний томонларини таҳлил этишга қаратилган янги методлар зарур. Зеро, гапнинг мазмунини ташкил этувчи маъно қисмларининг барчаси бир хил тарзда тил бирликларида бевосита ўз ифодасига эга бўла олмайди, айрим маънолар гапда бевосита ифодаланади. Тилшунослигимизда ҳам

ҳозиргача бевосита тил бирликларида ўз ифодасига эга бўлган маъноларгина ўрганилиб келинган эди, яъни «муз тоғининг сув юзасидаги кичкинагина қисми» тадқиқ этилмокда, асосий катта қисми эса тадқиқотчилар назариясидан четда қолмокда.

Аслида мазкур ибора бир тушунчанинг ифодаси, гап эса, табиийки, икки тушунча ўртасидаги муайян муносабат асосидагина шакллана олади. Кўринадики, айтилган гап қўшма эмас, балки содда гапдир. Бу уринда мазмун ва шакл ўртасидаги номутаносибликнинг тадқиқотчи томонидан ҳисобга олинганлиги айтилган хулосанинг ғайриилмий бўлиб қолишига олиб келган. Бундай адашишнинг илдизлари тил фалсафаси ва тил тузилиши мантикий жиҳатларининг тилшунослигимизда етарли тадқиқ этилмаганлигига ҳам бориб тақалади.

Тил ҳодисаларини тадқиқ этишда бизда анъанага айланган бундай йўл, яъни шаклдан мазмунга бориш айтилган ҳодисаларнинг моҳиятини тўғри ва ҳолисона очишга имкон бермайди. Бунинг устига тил бирликларининг (сўз, грамматик шакллар, кейинроқ эса гап) мазмун томони (семантикаси) бу бирликнинг бошқа бирликлар билан муносабати асосида эмас, балки алоҳида-алоҳида, чегараланган ҳолда олиб тадқиқ этилади. Бу бирликларнинг “атрофи” деярли ҳисобга олинмайди. Таъкидлаш лозимки, шаклдан мазмунга қараб борилганда, лисоний жиҳатдан бевосита ифода қилинмайдиган, аммо тегишли тил бирликларининг ўзаро муносабатлари ва бошқа омилларга кўра, тасаввур қилинадиган маъно ва мазмун узвларининг очилмай қолиши шубҳасиз. М.Махмудяннинг фикрича, тил бирликлари (сўз, гап) доирасидан ташқарига чиқмайдиган семантик тадқиқот бир ёқлама бўлиб, у муваффақиятсизликка маҳкумдир.

Шунга қарамасдан, узоқ вақтлар давомида, афсуски, тилшуносликда, айтилган, синтаксисда яна шу йўл устунлик қилиб келади. Тилшунослик тараққиёти учун салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири мана бундай деб ёзади: “Бир составли гаплар доирасида бошбўлақларнинг табиатига кўра ажратилган гапларнинг иккинчи тури кесимсиз гаплардир...

Бош бўлакнинг ўзидан иборат булиш кесимсиз гапларнинг асосий структурал белгисидир”. Бунда winter, snow, fire каби инглиз тилидаги атов гаплар назарда тутилган. Мутлақ ҳақиқат шуки, передикатсиз (демак, кесимсиз) гапйук,бу ҳақиқат Аристотелдан бошланган. Юкоридаги гаптурларида ҳам субъект эмас (субъект-айни нутқ шароитининг ўзи), балки предмет ифодаланган. Фақат бу ифода кўпроқ эгани ифодаловчи шакл (бош келишигидаги от ёки отлашган сўз), холос. Лекин мазкур талқинда фақат шаклгина ҳисобга олинган, шунинг учун ҳам хулоса ғайриилмий чиққан. Аслида бирор-бир тилда кесимсиз гапмавжуд эмас. Мантиқан бу мумкин ҳам эмас.

Айни йўлнинг тескараси, яъни мазмунан шаклга бориш ҳам тўғри хулоса чикаришга имкон бермайди. Хамонки шакл ва мазмун диалектик бирликда экан, илмий тадқиқотда уларнинг ҳар иккаласи ҳам тўлиқҳисобга олинмоги шарт. Бужихатдан гапдай мураккаб лисоний бирликни ҳолисона тадқиқ этишда айтиб ўтилган янги йуналишнинг номи ҳақида қуйидагиларни айтиш мумкин. У “семантик синтаксис”, “синтактик семантика” каби номлар билан аталади. Ҳарқалай, уларнинг биринчи номланиш маъқулроқ, чунки унда синтаксиснинг асосийлиги таъкидланган.

Мазмуний синтаксисда қуйидаги уч тушунча ва уларнинг ўзаро алоқаси жуда муҳимдир: 1) синтактика (синтаксис), 2) семантика ва 3) прагматика

Синтаксис-юнонча: “тузилган, қурилган”;

Семантика-юнонча: “ифодаланган, ифодалаш”;

Прагматика - юнонча: “амалга оширилган, бажарилган иш” демакдир.

Бу уч тушунча бир-бири билан у ёки бу тарзда қўлланган бўлиб, тилнинг мазмун томонини ўрганиш уларнинг учаласининг ҳам назаридан қочмаслиги лозим. Бугунги кунда маълум бўлиб қолдики, мазмуний синтаксис йуналишидаги ҳарқандай тадқиқот, агар у ана шу уч тушунчага асосланмас экан, ҳеч қачон ҳолис ва илмий хулосага кела олмайди.

Тилшунос Ю.С.Степанов таъкидлаганидек, “семантика” белгилар(тил

бирликлари)нинг улар ифода этган нарсаларга муносабати, “синтактика” белги (тил бирлиги)нинг белги (тил бирлиги)га муносабати, “прагматика” эса белги (тил бирлиги)нинг тилда фойдаланувчига муносабатини назарда тутди. 90-йиллардан кейин тил бирлиги ва тил эгаси ўртасидаги муносабат масаласи эса ўрганила бошланди. Натижада тилнинг, хусусан ўзбек тилининг *гносеологик* (билиш), эстетик ва бошқа бир қатор имкониятларини очиб беришга интилиш кучайди. Аслида тилшуносликнинг яхлит мақсади тил, ташқи олам ва тил эгаси ўртасидаги муносабатнинг моҳиятини тадқиқ этишга бориб тарқалмоғи лозим. Бусиз жонли нутқни, инсоннинг тафаккур оламини холис ва чуқур идрок этиш мумкин эмас. Бу борада тилшуносликда пайдо бўлган янги йўналиш антропоцентризмга қизиқиш ортиб борди.

Айтиш лозимки, мазмуний синтаксисда маъно, семантик маънолар қаторида прагматик маъно ҳамфарқланмоғи керак. “Прагматик маъно” деганда, сўз ёки гапнинг муайян нутқ вазиятидан олинадиган маъноси тушунилади. Тил бирликлари прагматикага кўра тегишли нутқ шароитида бутунлай бошқа маъно касб этиши ёки бевосита маънога эга бўлмаган бирликлар маънога эга бўлиши мумкин.

Прагматикадаги муҳим ўринлардан бири сўзловчи ва тингловчи учун маълум бўлган умумий билимлардир. Бу билимлар тилшуносликда “*пресуппозиция*” номи билан юритилади. Масалан, атоқли отлар конкрет маънога эга эмас, улар ўз маъносини прагматика асосида тағбилимга кўра олади.

Кўринадики, гап ҳақидаги ҳар бир талқин, агар тағбилимлар ҳисобга олинмаса, тўлиқ бўла олмайди. Шундай экан, тилшуносликда “Тағ билимлар ва гап” мавзусида муфассал тадқиқот олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ҳар қандай гапда объектив ва субъектив мазмун фарқланади. Объектив мазмун гапнинг асосини ташкил этади, субъектив мазмун эса унинг устида жойлашади. Содда ва қўшма гапларда бу мазмун турларининг ўзаро муносабати ўзига хос тарзда кечади. Масалан, қўшма гап қисмларининг бирида субъектив мазмун, бошқасида эса объектив мазмун ифодаланиши

мумкин.

I think he will come today.

Биринчи қисмда субъектив, иккинчи қисмда эса объектив мазмун ифодаланган. Бу гап мазмунан: *Tom's mind he will come*— гапига тенг, лекин бу гап содда гап ҳисобланади. Бундай ҳолларда шакл ва мазмун ўртасида номуносивблик юзага келади. Айни ҳолатларда ҳам тилнинг ўзига хос қонуниятлари намоён бўлади. Уларни чуқур тадқиқ этиш ҳам мазмуний синтаксис учун аҳамиятлидир.

Мазмуний синтаксисга ҳам узвий таҳлил (компонент таҳлил методи олиб кирилиши) мақсадга мувофиқ. Гап мазмунининг турларга ажратиш таҳлил этилиши жуда кўп янги қонуниятларни очиш имконини беради. Бундай йўналишда рус тилшунослигида илк қадамлар бошланган¹⁹. Улардаги қарашларга кўра, масалан:

1. *The teacher came into the room* гапида кучсиз ифодаланган: «хабар», «тасдиқ», «ҳаққонийлик» (модаллик) каби маъно турлари (семалар)ни ажратиш мумкин. Айни пайтда, «шахс», «ҳаракат», «мақон» ва шу каби аниқ ифодаланган маъно турларини белгилаш мумкин.

Мазмуний синтаксисда бу метод асосида гаплар ўрганилса, гапнинг ифода мақсадига кўра турлари билан боғлиқ айрим масалалар ҳам ойдинлашади²⁰. Масалан, бизда анъанага кўра, дарак, сўроқ ва буйруқ гаплар фарқланади.

2. *I wish he would not leave.*

3. *May be he would not leave* каби гаплар ҳам дарак гаплар сифатида қаралади.

1.3. Инглиз тилидаги эргаш гапли қўшма гапларнинг семантик таҳлили

Содда гап ҳам синтактик сатҳ бирлиги ҳисобланса-да, у қўшма гапга қараганда анча ихчам birlikдир. Қўшма гап сода гапдан энг аввало мазмун

¹⁹ Степанов Ю.С. О трехмерном пространстве языка. Семиотические проблемы лингвистики, философии, искусства. М. 1985, стр 224

²⁰ Арутонова Н.Д. типы языковых знаков. Оценка. Событие. Факт. М. 1988. Стр 5

сиғимининг катталиги, мазмуний-синтактик тузилишининг ўзига хослиги, мураккаблиги билан фарқланади. Албатта, ҳар икки гап тури – сода гап ҳам, қўшма гап ҳам муайян ҳукм ифодачиси сифатида мавжуд бўлса-да, тилнинг кишилар ўртасида алоқа воситаси бўлишидай энг муҳим вазифаси бевосита гапларда намоён бўлса-да, сода ва қўшма гаплар тузилиши ва мазмуний таркиби ҳамда бу таркибни юзага келтирувчи узвлар муносабати уларнинг ҳар бирида мутлақо ўзига хосдир. Мантиқ фани нуқтаи назардан олиб қараладиган бўлса, сода гапларда асосан сода ҳукм, қўшма гапларда эса мураккаб ҳукм ифодаланади. Лингвистикада қўшма гапва унинг табиати масаласи бир неча асрлардан бери ўрганиб келинади.

Аммо бу давр мобайнида қўшма гапасосан бир жиҳатдан тадқиқ этилди. Г.А.Золотова синтактик тадқиқотларнинг истиқболи ҳақида фикр юритар экан, шундай таъкидлайди: «Синтактик тадқиқотларнинг муаммоларини, улардаги синтаксиснинг муҳим хусусиятларини 3 савол ёрдамида тасвирлаш мумкин»: Нима? Қандай? ва Нима учун? Нима? ёки Нима ҳақида? - синтактик бирликларнинг мазмуни (семантикаси) ҳақидаги савол, Қандай? ёки Нима билан? - бу ифода воситалари, тизим (конструкциялар) ҳақидаги савол. Нима учун? ёки Нимага? - бу синтактик бирликларнинг функционал мақсади ҳақидаги савол²¹.

Инглиз тилшунослигидаги, умуман, герман тилшунослигидаги қўшма гапасосида ана шу икки саволга, яъни Қандай? ва Нима билан? деган саволга жавоб изланган.

Таъкидлаш лозимки, бу тадқиқотларда биринчи саволга, яъни Нима? ёки Нима ҳақида? деган саволларга ҳам баъзан қисман жавоб бордай туюлади. Аммо мазкур тадқиқотлардаги асосий тамойил «шаклдан мазмунга» тарзида бўлиб, асосий диққат-эътибор бевосита шаклга қаратилган, мазмун эса тадқиқотчининг диққат марказида турмаган.

Айтиш жоизки, анъанавий тилшуносликда яратилган шаклий

²¹ Золотова Г.А. О перспективах синтаксических исследований. Изв АН СССР. Серия литературы и языка. Том 45, 1986, стр 501

синтаксисга оид тадқиқотларнинг аҳамияти бениҳоят улкандир. Қўшма гапва унинг таркибий хусусиятларига бағишланган ишлардаги илмий асосланган ғоялар бугунги тилшуносликда қўшма гаптабиати ва унинг мазмуний-таркибий хусусиятларига оид янгича қарашларнинг пайдо бўлиши учун қонуний равишда мустаҳкам замин ҳозирлади. Қўшма гапларни ўрганишнинг дастлабки босқичларида инглиз тилидаги, умуман германистикадаги қўшма гап назариялари, асосан рус тилшунослигида шаклланган қўшма гап назариялари қолипида яратилган. Айтиш мумкинки, нафақат қўшма гап, балки тилдаги жуда кўплаб бошқа ҳодисалар талқинида ҳам ана шу йул, яъни рус тилшунослигидан нусха кўчириш бир қадар анъанага айланган. Жаҳон тилшунослиги тарихида бундай ҳол бир неча бор кузатилган, хусусан, қадимги латин тилшунослигининг юнон тилшунослигидаги нусха олиб шаклланганлиги маълум²².

Табиийки, бундай йул тил ҳодисаларининг муайян тилнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларини тўғри ва холис тушунишга имкон бермайди. Албатта, ҳар қандай бошқа фан каби тилшунослик ҳам хориж тилшунослари эришган ютуқлардан ижодий фойдаланиши керак, бусиз мумкин эмас. Аммо ижодий фойдаланиш ва айнан нусха кўчириш турли тушунчалар, масалан: рус тилшунослигидаги таърифларни таржима қилиб олиб, олинган мисоллар орқали «далиллаш» мутлақо бошқа нарсадир. Иккинчи йул тутилганда эса ҳар бир тилнинг ўз табиати очилмай қолади.

Айрим диссертацияларда эргаш гапли қўшма гаплардаги парадигматик ва синтагматик хусусиятлар чуқур тадқиқ этилган. Эргашган қўшма гапларнинг мазмуний-сигнификатив хусусиятлари, улардаги синтактик омонимия, полисемия, кўп функционаллик каби бир қатор муҳим масалалар ишонарли тарзда ҳал қилинган. Шубҳасиз, бу ишлар тилшуносликдаги қўшма гап назариясига қўшилган муҳим ҳиссадир. Лекин ишнинг кириш қисмида алоҳида таъкидланганидай, тадқиқотдаги асосий услуб таркибий-мазмуний (мазмуний-таркибий эмас) бўлиб, у «шаклдан мазмунга»

²² Кондрашев Н.А. История лингвистических учений. М.Просвещение. 1978, стр 18-19

кабилидаги таҳлилга асосланган²³.

Айтиш керакки, таҳлил фақат «шаклдан мазмунга» кабилидаги тамойил асосида олиб борилганда, бевосита лисоний шакллардан ўз ифодасини топмайдиган, тилдаги турли воситаларнинг бир-бири билан муносабати асосида юзага келадиган, бевосита реаллашадиган маънолар тадқиқотчи эътиборидан четда қолиши мумкин. Шунинг учун бу тамойил ҳам муҳимдир. Аслида шакл ва мазмун диалектикасининг моҳиятига мувофиқ равишда мазмуний таҳлил ҳар икки тамойилга асосланмоғи лозим. Модомики «мазмуний таҳлил гапнинг қандай англаниши, қандай интерперетция қилиниши ва унинг ташқи оламдаги ҳолатлар, жараёнлар, объектлар билан қандай алоқадорликка эга эканлигини тушунтириш керак экан, бунда гапнинг ҳам мазмуни, ҳам шакли тўла ҳисобга олинмоғи шарт».

Тилшунослик тилни ўрганишда узоқ вақт грамматик тизимнинг энг аввало шаклий хусусиятларига дахлдор бўлган таснифлаш йўлидан борди. Бу йул «тил – тил эгаси – ташқи олам» муносабатини тушунтиришга имкон бермади. Бунинг оқибатида нафақат назарий тилшунослик, балки амалий тилшунослик ҳамкўп нарсая ютқазди. Масалан, мактабда она тилиўқитувчисининг асосий мақсади ўқувчига у ёки бу грамматик категорияни тўғри аниқлай олиш малакасини сингдиришдан иборат эди. Айтайлик, ўқувчи гапнинг «эга»сини топа олса, демак, у синтактик таҳлилни яхши билади деб қаралган. Аммо «эга»нинг ортида нималар турибди? деган савол ўқувчига берилмас эди. Амалий тилшуносликда ҳам ана шундай тил ҳодисаларини таснифлашга асосланган, яъни унда «тил белгисининг ортида турган объектив борлиқ эмас, балки айти тил белгисининг тавсифи муҳим» деб қаралган²⁴.

Мавжуд грамматик таълимотларда ҳам асосий усул «тил белгисининг шаклидан унинг маъносига» тарзида бўлиб, бу мутлақо семасиологик ёндашув ҳисобланади, ва уларда ономасиологик ёндашув сезилмайди. Она

²³ Бирвиш М. Семантика. Вкк. Новое в зарубежной лингвистике, выпуск Х.М.Прогресс, 1981, стр. 177

²⁴ Идеографические аспекты русской грамматики. Под. Ред. В.А.Белашанковой и И.Г.Милославского. М. изд- во МГУ, 1968. стр 5.

тили ва чет тилларини ўрганишда семасиологик ёндашув билан бир қаторда ономасиологик ёндашув бўлмас экан, жиддий натижага эришиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тилшуносликда кейинги пайтларда «фаол грамматика», «идеографик грамматика», яъни муайян мазмуннинг энг мақбул тарздаги ифодаланиши имкониятларини тавсифловчи, бошқача айтганда, «мазмундан шаклга» тамойилига асосланган грамматика яратишга ҳаракат қилинмоқда. Рус тилининг идеографик грамматикаси масалалари ҳақида фикр юритар экан, В.А.Белашаннова ва Г.И.Милосласкийлар шундай ёзадилар: «Она тили ўқитишнинг бош мақсади – тил далилларини маълум токчаларга териб чиқишни ўргатиш эмас, балки ўз фикрини мутлақо аниқ ва вазиятга мувофиқ тарзда ифодаланиши ўргатишдан иборат». Бундай вазифани ҳал қилиши лозим бўлган грамматика моҳияти жиҳатидан таснифловчи бўлиши мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, вазифа мана бундай қўйилмаслиги керак: тил белгиси берилган, бу белгининг каталогда эгаллаш лозим бўлган ўрнини топиш керак; аксинча, мана бу тарзда қўшилиши керак: муайян «ғоя» берилган, бу «ғоя»ни ифодаловчи тилбелгисини топиш керак. Рус тилшунослигида бу йуналишда иш бошланган, хусусан, рус тилидаги қўшма гаплар ана шундай идеографик жиҳатдан ўрганилган: С.А.Шувалованинг «қўшма гапдаги мазмуний муносабатлар ва уларнинг ифодаланиш усуллари» номли монографияси мазмуний синтаксис учун жуда қимматлидир. Бу монографияда, энг аввало, қўшма гапда ифодаланадиган мазмунларнинг таснифи, сўнг қиёсий мазмун ва унинг ифодаланиш моделлари берилган. Бунда С.А.Шувалова қўшма гапларнинг деярли барча турларига мурожаат қилади.

Эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний синтаксиси ўрганилар экан, айтиб ўтилган ҳар икки тамойил - «мазмундан шаклга» ва «шаклдан мазмунга» тамойилига амал қилиш мақсадга мувофиқ.

Гапнинг синтактик қурилиши жуда чуқур ва ҳар тарафлама ўрганилган, бунинг устига синтактик қурилиш аниқ, кўриш мумкин бўлган сатхдир. Шунинг учун гап қурилишини белгилаш бирон - бир қийинчилик

туғдирмайди. Лекин мазмуний синтаксисдаги иккинчи муҳим жиҳат – мазмуний сатҳ ҳам бор, бироқ гапнинг мазмун жиҳатини белгилаш унчалик ҳам осон эмас.

Гапнинг мазмуни нима? Гапнинг мазмуни деганда нимани назарда тутиш керак? Ҳозирги тилшуносликда бу саволга жавоб беришда бир неча ёндашувни кўриш мумкин. Улар орасида гапмаъносининг денотатив концепцияси кенг тарқалган. Бу концепцияга кўра гапмаъносининг денотати ғайриинсоний вазиятдан, муайян воқеадан иборат. Ушбу масалани бизгача ўрганган тилшуносларга эргашиб, биз ҳам содда гапнинг ифода жиҳати (плани)ни “воқеа” сўзи билан номлаймиз²⁵.

Аммо, айтиш лозимки, воқеа фақат содда гапорқалигина эмас, балки ундан кичик бирликлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин, масалан, *Эшик очилди* гапида ифодаланган воқеаайни гапнинг турли шаклий кўчимлари (трансформацияси)да ҳам, бу кўчимлар гапэмас, балки луғавий бирликлар мақомида бўлса ҳам ифодаланаверади: *эшик очилди* - *эшикнинг очилиши* - *эшик очилиб* - *эшикнинг очилганлиги* - *очилган эшик* кабиларда ҳам мазкур воқеанинг ўзи ифодаланган, фақат айтиш кўчимлардаги модаллик ҳар хил.

Шунга қарамайдан, барибир, воқеани энг тўлиқ, батафсил ифодаловчи бирлик бу гапдир. Муайян воқеа ифодаловчиси гап бўлса, воқеалар ўртасидаги муносабатларнинг ифодачиси қўшма гапдир. Бошқача қилиб айтганда, тил белгиси сифатида қўшма гапнинг мазмуни воқеалар ўртасидаги муносабатдан иборатдир²⁶.

Қуйидагиларни қиёслайлик: Сен рақсга тушсанг, ҳамма хурсанд бўлади. – Сен рақсга тушганингда ҳамма хурсанд бўлади. – Сен рақсга тушишингга қарамай, ҳамма хурсанд бўлади ва х.к. Бу қўшма гаплардаги қисмларда айтиш бир воқеалар ифодаланган, лекин бу воқеалар ўртасидаги муносабатлар ҳар хил, яъни шарт, пайт, тўсиқсизликдан иборат муносабатлар ифодаланган.

²⁵ Бу атама ҳақида яна қаранг: Колосова, Т.А. Русские сложные предложения асимметричные структуры.

Воронеж: Изд-во Воронежского университета, 1980, стр 14;

Москольская О.И. Проблемы системного описания синтаксиса. М. Высшая школа 1981, стр 9-10;

Современная лингвистическая семантика. М. Высшая школа, 1990, стр 51

²⁶ Колосова М.А. Курсатилган асар. стр 14

Туғри, бундай муносабат содда гапда ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан: сенинг келишинг ҳаммани хурсанд қилди. Бу содда гапда икки воқеа ўртасидаги сабаб-натижа муносабати акс этган. Лекин, барибир воқеалар ўртасидаги муносабатлар содда гаплардагига қараганда қўшма гапларда аниқ ва тўла ифодаланади. Чунки моҳиятан содда гаплар муайян бир воқеани ифодаловчи, қўшма гаплар эса икки ёки ундан ортиқ воқеа орасидаги муносабатни ифодаловчи шаклдир.

Тил ва тилга оид фанлар кўп фанларнинг тадқиқ этиш объекти бўлиб хизмат қилади. Тилни назарий ўрганувчи лингвистика фан ва техниканинг бошқа тармоқлари билан чамбарчас боғлиқ. Қиёсий типология унга энг яқин бўлган фанлар билан ўзаро алоқадорлигини аниқлаш учун тилшуносликнинг математика, тарих, антропология, психология, физиология каби фанлар билан умумий алоқасиҳақидаги масалага кўпгина ишлар, жумладан, Е.И.Шендельснинг махсус асари бағишланган.

Турли тил системаларини чоғиштириш билан шуғулланиш учун қиёсий типология вазифаларини, шунингдек, унинг бошқа фанлар билан алоқаси ва боғлиқлигини равшан тасаввур эта билиш керак.

Шунинг учун ҳам бошқа лингвистик фанлар ичида қиёсий типологиянинг ўрнини аниқлаш, шунингдек, методологик нуқтаи назардан ўзига хос хусусиятини белгилашнинг муҳим аҳамияти бор. Қиёсий типологиянинг таржима назарияси, методика, стилистика ва лексикологияга бевосита алоқаси бор. Мазкур масала ҳалигача махсус тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Бу фанлар ўртасидаги алоқанинг тўла ўрганилмаганлиги қардош бўлмаган тилларни чоғиштириб ўрганишда баъзи тадқиқотчилар томонидан қатор хатоларга йўл қўйилишига сабаб бўлган.

Бу бобда қиёсий типологиянинг таржима назарияси, методика, стилистика ва лексикография билан алоқаларига қисқача тўхталиб ўтамиз. Икки ёки ундан ортиқ тил системасининг ўзига хос хусусиятини ҳамда чоғиштирилаётган тиллар системалари орасидаги мувофиқлик қонуниятларини аниқлаш, қиёсий типология ва таржима назариясининг

умумий вазифасидир.

«Таржима назарияси ўз моҳияти билан икки тил системасини илмий асосда чоғиштиришдан бўлган норма эмас», деб ёзади профессор Л.С.Бархударов²⁷.

Демак, қиёсий типология ва таржима назариясининг изланиш усуллари ва предметлари бир-бирига жуда яқин. Бу умумийлик баъзи лингвистлар Ж.Кетфорд²⁸, Хдллидей²⁹, Ж.Эллис³⁰, Ю.Найда³ ва бошқаларни қиёсий типология ва таржима назарияси бир бутун назария деб ҳисоблашга ёки кейинги қиёсий лингвистиканинг таркибий қисми деган фикрга олиб келади.

Масалан: Ж.Кетфорд «Таржима назарияси тиллар ўртасидаги маълум муносабатни ўрганиши сабабли, у қиёсий лингвистиканинг бир шаҳобчаси» деса, М.А.Халлидей «Автоматик ёки машина таржимасининг ҳақиқий вазифаларидан бири тиллар ситемасини тасвирлаш ва чоғиштиришдан иборат. Шу сабабли таржима назарияси амалий лингвистика дискриптив ва қиёсий лингвистика билан чамбарчас боғлангандир» - дейди.

Тил системалари ўртасидаги мувофиқликларни топиш тўла маънода таржима, деган гапэмас, албатта. Бу фақат муайян мазмунни бир тилдан иккинчи тилга ағдаришда таржимон фойдаланадиган томондир.

Қиёсий типология ва таржима назариясининг бир-бирига ўхшаш ва фарққилиш меъзонларга қисқача тўхталиб ўтамыз. Қиёсий типология ва таржима назариясини ўзаро яқинлаштирадиган асосий ўхшашликлар қуйидагилардир:

1) қиёсий типология ва таржима назарияси умумий мазмун планининг таркибий қисмига асосланади;

2) қиёсий типология ва таржима назарияси бажарадиган иш жараёни ўхшашдир, яъни абстрактлаш (мавхумлаш)дан корреспонденциялаш

²⁷ Бархударов Л.С. Общелингвистическое знание перевода. Сб. «Теория и критика перевода» изд-во ЛГУ, 1962. стр 8.

²⁸ Шеньдельс. Связь языкознания с другими науками. М. 1962

³ The theories and methods for comparison of languages including theory of translation, belong to the blanch of the subject known as "Comparative linguistics". London. 1966 p. 135

³⁰ Jeffrey Ellis. Towards General Comparative Linguistics, mouton and Co. London, The Hague, Paris. 1966, p. 16

(мувофиқлашув)га ёки анализдан синтезга ўтади;

3) умумий қиёсий типология ва таржима назарияси икки ёки ундан ортиқ системалари яруслараро бирликларнинг натижаларига асосланиб иш кўради;

4) таржима назарияси ва қиёсий типология қардош ва қардош бўлмаган тиллар системаларини универсал равишда тадқиққилади.

Бу ўхшашликларни алоҳида-алоҳида кўриб чиқамиз.

Натижа эргаш гапли қўшма гаплар:

Натижа муносабати бундай қўшма гапларнинг мазмунини ташкил қилади. Иккинчи воқеа биринчи воқеанининг натижаси сифатида юзага келади. Шунини айтиш керакки, бош гапдаги ҳаракатни амалга ошириш учун қилинмайди, балки эргаш гапдаги ҳаракат бош гапдаги ҳаракатнинг натижаси сифатида ўз-ўзидан келиб чиқади.

Айтиш керакки, бундай қўшма гапларнинг бош гапи, бош гапдаги воқеанинг натижаси борлигига, яъни эргаш гапдаги ишора қилиб туради. Шунинг учун уларни ҳавола бўлақлар дейиш мумкин. Натижа эргаш гапли қўшма гаплар демак, бир ҳавола гаплардир, бу бўлақлар бош гапда, асосан, ҳол ўрнида келади. Ана шу бўлақка кўра бош гапмазмунан эркин бўла олмайди, эргаш гапэса эркин бўла олади.

Натижа эргаш гапли қўшма гапларда воқеаларнинг мазмуний хусусиятлари асосан икки хил бўлади. М.А.Аскарова тўғри кўрсатганидай:

1) натижа эргаш гапдаги фикр реал бўлади

2) натижа эргаш гапдаги фикр мўлжалланган ва тахмин қилинган бўлади. Бошқача қилиб айтганда, натижа эргаш гапли қўшма гапларда баъзан реал воқеалар ўртасидаги, баъзан эса ирреал воқеалар ўртасидаги муносабат ифодаланади.

Юқорида келтирилган гапларда реал воқеалар ўртасидаги муносабат ифодаланган. Агар ирреал воқеалар ўртасидаги натижа муносабати ифодаланадиган бўлса, эргаш ва бош гапларнинг кесими буйруқ-истак майлидаги феълидан иборат бўлади.

Натижа эргаш гапли қўшма гаплардаги мазмуний муносабати ҳам субъектив мураккаблашиши мумкин. Бу натижа маъносини таъкидлаш, эргаш гапдаги воқеанинг келиб чиқиши мумкин, бўлган бир натижадан бири энг “кичиги” эканлигини кўрсатиш маъноси кабилар ҳисобига бўлади.

Воқеаларнинг табиати қандай бўлишидан қатий назар, барибир улар денотативдир. Шунинг учун ҳам натижа эргаш гапли қўшма гапларда асосий ҳолларда мазмуний - синтактик номувофиклик юзага келмайди.

Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар

Ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмун муносабатининг ифодаланишига кўра икки хил кўриниши билан фарқланади:

- 1) икки ҳавола бўлакли
- 2) бир ҳавола бўлакли

Икки ҳаволабўлакли ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплар нисбатан кенг тарқалган. Эргаш гапли қўшма гапларнинг бошқа икки ҳавола бўлакли турларидаги каби бундай гапларда ҳам қаршилантирилган ҳавола бўлақлар мавжуд бўлади.

Улар орасида мувозийлик бўлади, икки денотатив воқеаҳаракатнинг миқдорий белгисига кўра умумий бўлади.

Воқеалар ўртасидаги муносабат ўзаро тобеланишга кўра жуда зич бўлади. Бундай гапларда мазмуний-синтактик мувофиклик асосан, ҳамиша сақланади.

Қўшма гап кесимларидаги ўзаро тобеланишга кўра бош гапҳам, эргаш гапҳам мазмунан эркин бўлолмайди.

Бир ҳаволабўлакли ўлчов-даража эргаш гапли қўшма гаплардаги бош гапда ҳаволасўзлар мавжуд бўлади, бу сўзлар баъзан ўлчов даража ҳоли сифатида бир ўзи, баъзан бирикма таркибида келиши мумкин. Бу ҳавола бўлак эргаш гапнинг бош гапдаги “ўринбосари” сифатида муҳимдир. Эргаш гапдаги денотатив воқеабош гапдаги денотатив воқеадаги ҳаракатнинг бажарилиш даражасини кўрсатувчи узв сифатида айна асосий воқеа билан алоқаланади. Бу

турда бош гап мазмунан эркин бўлолмайди, эргаш гап эса бўлиши мумкин.

Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплар

Бундай эргаш гапли қўшма гапларнинг мазмуний асосий қиёслаш муносабати ташкил этади. Қиёслаш инсоннинг дунёни билиш жараёнида жуда катта ўрин тутати. Икки ёки ундан ортиқ предмет, воқеа-ходисани улар ўртасидаги мавжуд ўхшаш ва фарқли томонларини аниқлаш мақсади билан қиёслаш ташқи оламни билишнинг энг кенг тарқалган мантиқий билимидир. Бу усул инсон фаолиятининг деярли барча сохаларида кузатилади:

Айтиш керакки, қиёслаш муносабатининг табиати икки хил, яъни 1) фарқни кўрсатиш 2) ўхшашликни кўрсатиш. Шунга кўра биринчи ҳолатни эса ўхшатиш муносабати сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ.

Чоғиштириш эргаш гапли қўшма гаплардаги асосий мақсад икки денотатив воқеава улар ўртасидаги фарқли жиҳатни ифодалашдан иборат. Шунинг учун ҳам бундай гаплардаги воқеалар асосий ҳолларда реал бўлади.

Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплардаги асосий мақсад эса денотатив воқеава тасаввурий воқеа ўртасидаги ўхшаш жиҳатларни ифодалашдан иборат. Таъкидлаш жоизки, нутқ эгасининг асл мақсади фақат бир денотатив воқеаҳақида хабар беришдир. С.А.Шувалованинг ҳақли равишда таъкидлашича, бундай ҳолатларда «муаллиф денотатив воқеани яна ҳам тўлиқроқ ва аниқроқ ифодалашга интилиб, ҳиссий-образли (ассоциативно-образные) алоқалардан фойдаланилади».

«От смущения он отчаянно краснел, как краснеют дети» - гапида ифодаланган воқеалардан бири - *«Он отчаянно краснел»* - денотатив воқеанинг мутлақо тўлиқ тасвиридан иборат, шунга карамасдан, унга «ёрдамчи сифатида» муаллиф тасаввурида денотатив воқеа билан муайян ассоциатив ўхшашликка кўра юзага келадиган бошқа бир намунавий («типовой») воқеатасвири келтирилади³¹.

Демак нутқ эгаси муайян бир денотатив воқеани ифодалаш учун бу воқеа

³¹Шувалова С.А. Курсатилганасар. стр 78-79

ифодасидан ташқари яна бир тасаввурий воқеаифодасини келтиради, улар ўртасидаги алоқа эса ўхшашлик муносабати асосида юзага келади.

Чоғиштириш ифодаланган гаплардан фарқли ўлароқ, бундай гапларда бош гап реал воқеани, эргаш гап эса ирреал воқеани ифодалайди.

Ўхшатиш эргаш гапли қўшма гаплардаги мазмун муносабатни, гуё, худди, бамисоли каби ёрдамчи сўзлар билан субъектив мураккаблашиши мумкин.

Чоғиштириш ва ўхшатиш эргаш гапли қўшма гапларда мазмуний-синтактик мувофиқлик асосий ҳолларда сақланади.

Айни пайтда бош гаплар мазмунан эркин бўла олади, лекин эргаш гаплар ҳамиша мазмунан боғлиқбўлади, бундай мураккаблашув кўпроқ нутқ эгаси наздида келтираётган сабабнинг аниқ ёки ноаниқлиги, умумга маълум ёки номаълумлиги, тахминийлиги каби субъектив маъно нозикликларини гапмазмунига киритиш ҳисобига юз беради.

Бош гапдаги воқеанинг юз беришига олиб келган сабаб айни эргаш гапдаги воқеанинг бир ўзи эканлиги бунинг аниқ эканлиги таъкидланган, бу билан сабаб муносабати субъектив мураккаблашган. Бу мураккаблашув фақат юкламаси орқали шаклан ифодаланган.

Сабабнинг аниқ эмаслиги, сўзловчи муайян воқеани сабаб деб тахмин қилаётганлиги маъноси билан сабаб муносабатини субъектив мураккаблашуви нисбатан кўпроқ учрайди. Баъзан тахминийликни яна ҳам таъкидлаш учун бошқа лексик восита ҳам келтирилади. Тахминийликни жуда кучли бўлганда, баъзан айни ҳолатдаги бирдан ортиқ сабаб эргаш гаптарзида келтирилиши ҳам мумкин. Сабабнинг тахминийлиги яна бошқа воситалар орқали ҳам ифодаланади. Айрим ҳолларда сабабнинг умумга маълумлиги таъкидланади, бунда сабаб билан натижанинг узвий боғлиқлиги ҳам умумга маълум билим сифатида англашилиб туради. Шунинг учун ҳам сабаб воқеаифодаланган эргаш гапнинг предикат бўлишсиз шакилда бўлади.

Сабаб эргаш гапли қўшма гаплардаги сабаб мазмунининг субъектив

мураккаблашуви яна бошқа куринишларда ҳам бўлиши мумкин. Шуниси муҳимки, бундай гапларда асосан, икки (ёки ундан ортиқ) денотатив ифодаланади. Шунинг учун ҳам асосий ҳолларда уларда мазмуний-синтактик номувофиқлик юзага келмайди.

Шарт эргаш гапли қўшма гаплар

Бундай қўшма гапларнинг мазмунини шарт муносабати ташкил этади. Юқорида айтилдики, шарт муносабатидаги воқеаларнинг биринчиси-шартниифодалагани ирреал бўлади, шунинг учун иккинчи воқеа ҳам ирреаллик касб қилади. Аммо айрим тадқиқотчилар бошқачароқ нуқтаи назарни илгари сўрадилар. Масалан, А.И.Смирницкий шундай ёзади: «кесим ирреал шартни англатувчи формалар билан ифодаланган эргаш гаплар баъзан мазмунан ирреалликни ифодаламайди. Бундай эргаш гапларда воқеа, ҳодиса руй беради, демак, шарт реал бўлади. Бундай шарт эргаш гапли қўшма гапларнинг иккинчи хусусияти шуки, улардаги мазмун ўтган замонда руй берган ёки руй бериши мумкин бўлади. Келтирилган гапдаги шарт реал эмас, чунки шарт моҳияти «батальоннинг кетиши» эмас балки «батальоннинг кетмаслиги» дир, булар эса бир-биридан мутлақо фарққилувчи икки хил воқеа. Гапнинг умумий мазмунидан англашилиб турибдики, «батальоннинг кетиш» воқеани ҳақиқатан руй берган, лекин шарт-воқеа, яъни «батальоннинг кетмаслиги» руй берган эмас, бу воқеафаразий, ирреал воқеадир, у руй бермагангина эмас, энди ҳам руй бермайди. Шарт муносабати «батальоннинг кетмаслиги»дан иборат фаразий, ирреал воқеа билан «тупларнинг ҳимоясиз қолмаслиги» воқеаси ўртасида юзага келган. Тайинки, шартини ўзи ирреал бўлгач, унга боғлиқ натижа ҳам ирреал бўлади. Қисқаси, шарт муносабатидаги воқеаларҳамиша, асосан, фаразий (гипотетик), ирреал бўлади.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланган воқеалар мантиқан ўзаро шарт муносабатига киришади. Бу муносабат шаклан икки нисбий гап- бош ва эргаш гаплар ўртасида бўлар экан, эргаш гапдаги шарт –воқеа муайян узв сифатида бош гапдаги воқеаичига киради.

Шаклий-функционал жиҳатдан эргаш гапбош гапнинг синтактик курилишда шарт ҳоли ўрнини эгаллайди.

Баъзан эргаш гапнинг предикат бўлишсиз феъл билан ифодаланган бўлади, бош гапдаги предикат эса бўлишли феъл билан ифодаланади. Бу табиийки, бош ва эргаш гаплар ўртасидаги зидликни кучайтиради. Бунинг натижасида шарт воқеабир кадар таъкидлаш ифодага эга бўлади.

Айрим ҳолларда шарт воқеабирдан ортиқ бўлиши ҳам мумкин бу шарт воқеалар муайян бир воқеанинг юзага келиши учун шарт вазифасини бажариб келади.

Шарт воқеа if, as if каби воситалар билан таъкидланиши ҳам мумкин. Бунда шарт муносабати субъектив мурраккаблашув қўшмақисмлари йўқса, бўлмаса каби воситалар орқали боғланганда жуда ҳам аниқбўлади. Бундай мазмунли мурраккаблашув қўшмагап қисмлари ҳам кузатилади.

Шарт эргаш гапли қўшма гапларда, асосан икки (ёки ундан ортиқ) денотатив воқеа ифодаланади, шунга кўра уларда маъзмунли - синтактик номувофиқлик юзага келмайди. Аммо айрим ҳолларда шарт воқеамодусидан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда мазмуний - синтактик номувофиқлик юзага келади, эргаш гапмазмунан кириш тизимларига яқинлашади.

III боб бўйича хулосалар

Қўшма гапларни ўрганишнинг дастлабки босқичларида инглиз тилидаги, умуман германистикадаги қўшма гап назариялари, асосан, рус тилшунослигида шаклланган қўшма гап назариялари қолипида яратилган. Айтиш мумкинки, нафақат қўшмагап, балки тилдаги жуда кўплаб бошқа ҳодисалар талқинида ҳам ана шу йул, яъни рус тилшунослигидаги нусха кўчириш бир қаторда анъанага айланган.

Тилшунослик тугал фан бўлмоғи учун тилдай мурраккаб ва ўзига хос ҳодисанинг табиатини мунтазам идрок этмоқ учун мазкур талабга амал қилиш шарт.

Инглиз тилшунослигида, умуман, германистикада ҳатто бошқа тилшуносликларда ҳам, айниқса, эргаш гапли кўшмагаплар атрофидаги баҳслар кўпдан давом этиб келади. Зеро, эргаш гапли кўшма гапларбоғланган кўшма гапларга қараганда турлари ўртасидаги мазмуний-таркибий муносабатлар табиатига, бу муносабатни юзага келтирувчи мазмуний, мантикий ва синтактик механизмларнинг анча мураккаблигига кўра фарқ қилади. Шунинг учун ҳам эргаш гапли кўшма гапларни баҳолашда жиддий муаммолар анчагина.

Шундай қилиб, таржима назарияси фан сифатида маҳкам ўрнашганлигига қарамай, айрим принципиал масалалар ҳали ўз ечимини топгани йуққи, уларнинг қандай ечим топиши фаннинг истиқболдаги тараққиёти табиатини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Улардан бири таржима назариясининг предмет ҳақидаги саволдир. Агар таржима ҳақидаги фаннинг ҳозирги аҳволи ҳақидаги фикрни умумийлаштирсак, шу нарсани айтиш керак бўлади.

Таржима ҳақидаги фан ўзининг методологиясига кўра тилшунослик, стилистика, адабиётшунослик ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқдир. Шунга қарамай ҳозиргача айрим олимлар фикрлари ўртасида ўзаро мос келмаслик, фарқлар мавжуд. Айрим пайтларда эса улар ўртасида ўзароахборот алмашинуви етарли даражада йулга қуйилмаган. Назарий ишларда таржима кўпинча назариядан четдақолади, кўпинча таржима турли лингвистик концепцияларда иллюстрация сифатидагина пайдо бўлади.

УМУМИЙ ХУЛОСА

Нафақат ўзбек тилшунослигида, балки хориж тилшунослигида ҳам, кўшма гаплар, айниқса, эргаш гапли кўшма гаплар атрофидаги баҳслар кўпдан давом этиб келади. Эргаш гапли кўшма гаплар боғланган кўшма гапларга қараганда усуллари ўртасидаги мазмуний-таркибий муносабатлар табиатига, бу муносабатни юзага келтирувчи мазмуний, мантикий ва синтактик механизмларнинг анча мураккаблигига кўра фарқ қилади. Шунинг учун ҳам эргаш гапли кўшма гапларни баҳолашда жиддий муаммолар анчагина. Бу, айниқса, таркибида сифатдаги, равишдош, ҳаракат номи, шарт феъли иштирок этган гаплардакўпроқ кўзга ташланади. Ана шундай гапларнинг синтактик мақомини белгилашда, яъни бундай гаплар синтактик содда гап ёки эргаш гапли кўшма гапми, деган масаладаги мунозара ҳали тинган эмас, бу масалага бағишланган махсус кенгаш ҳамбу муаммога нукта қўя олгани йўқ. Ҳатто эргаш гапларнинг мазмуни, синтактик типлари ўрганилганда ҳам, мазмун билан боғлиққанча изоҳлардан кейин, яна бари бир боғловчи воситалар, кўшма гап узвларининг ўринлашуви каби масалаларга эътибор қилинган тадқиқотларда ҳам кўшма гапларга яна шундай ёндашувни кўриш мумкин. Бу фикрларни айтишдан мақсад мазкур тадқиқотларнинг тилшуносликдаги ўта жиддий қимматини пасайтириш эмас. Уларнинг тилшуносликнинг бугунги тараққиёти учун илмий-назарий замин ҳозирлаганлиги шубҳасиз, тилшуносликнинг бугунги тараққиётини мазкур тадқиқотларсиз тасаввур қилиш мушкул.

Кўшма гапларни тадқиқ қилишга бағишланган қатор илмий ишларнинг мавжудлигига қарамай, уларнинг лисоний-назарий масалаларини ўрганиш ҳамон долзарб ҳисобланади. Ваҳоланки, кўшма гаплар мураккаб конструкцияли микроматнлар ҳисоблансада, коммуникатив шароитда жуда фаол қўлланилади. Модомики, тилнинг беқиёс имкониятларини намоён қилиш вазифасини нутқ бажарар экан, ҳар қандай тадқиқот нутқ акти ҳолатларини ҳисобга олган ҳолда ўтказилиши шарт.

Ҳар қандай тил бирлиги каби гап ҳам, хусусан, қўшма гап ҳам икки томонлама бирликдир, яъни ифода томони ва мазмун томонига эга. Узоқ вақтлар мобайнида қўшма гапнинг асосан ифода ва қисман мазмун томонлари ўрганилди. Кейинги йилларда тилшуносликда гапнинг мазмун томонига, “семантика” деб юритиладиган жиҳатига эътибор кучайди. Мазмуний (семантик) синтаксис деган йуналиш юзага келади. Бу тадқиқотлар ана шу йўналишда амалга оширилган дастлабки ишлардандир. Шунингдек, ушбу диссертация иши ҳам мана шу соҳада олиб борилган кузатишларни ўз ичига олган ва келажакда юқорида баён қилинган илмий қарашларни кенгайтириш кўз тутилган.

АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Абдуазимов А. А. Элементы общей и сравнительно-типологической фонологии. Т.: Фан, 1981.
2. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Иностранные языки в современном мире: эволюция методики обучения. Т.: Фан, 2000
3. Абдуллаев Ю.Н., Бушуй А.М. Язык и общество. Т.: Фан, 2002
4. Абдуразаков М.А. Очерки по сопоставительному изучению разносистемных языков. Т.: Фан, 1973
5. Аракин В.Д. Сопоставительная стилистика скандинавских языков. М.: Высшая школа, 1984
6. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского языка. М.: Просвещение, 1990.
7. Болдыраев Н.Н. Когнитивная грамматика. Л. Наука, 1984
8. Бондарко А.В. Семантические категории в аспекте сопоставительных исследований // сопоставительная лингвистика и обучение неродному языку. М.: Наука, 1987
9. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тиллари қиёсий грамматикаси. Т.: Ўқитувчи, 1973
10. Расулова М.И. Основы лексической категоризации в лингвистике. Т.: Фан, 2005
11. Вежбицка А. Семантические универсалии и описание языков. М., 1999.
12. Виноградов В.С. Милославский И.Г. Сопоставительная морфология русского и испанского языков. М.: Русский язык, 1986
13. Гаджиева Н.З., Серебренников Б.А., Гаджиева Н.З., Серебренников Б.А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Синтаксис. М.: Наука 1986.
14. Гаджиева Н.З. Серебренников Б.А. Сравнительно-историческая грамматика тюркских языков. Морфология. М.: Наука, 1988

15. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. М.: Изд. Международные отношения. 1977
16. Гак В.Г. Сопоставительная прагматика. Филологические науки, 1992 №3
71
17. Грамматика общая и рациональная Пор-Рояля. М. Прогресс, 1990
18. Гулыга Е.В., Шендельс Е.И. Грамматико-лексические поля в современном немецком языке. М.: Просвещение, 1969
19. Есперсен О. Философия грамматики. М. Издательство иностр. Лит., 1958
20. Журина М.И. Лингвистическая типология. // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. М.: Наука, 1972
21. Знание языка и языкознание. М.: Наука, 1991
22. Клименко О.К. Слово как объект грамматического изучения // Лингвистические исследования в конце XX века. Сборник обзоров, М., 2000
23. Климов Г.А. Типология языков активного строя. М.: Наука, 1977
24. Когнитивные и коммуникативные аспекты английской лексики. М., 1990
25. Колпакова Г.В. Синонимия с позиций когнитивистики. М.: МГЛУ, 2004
26. Колшанский Г.В. Проблема универсалий языка // Общее языкознание. Внутренняя структура языка. // М.: Наука, 1972
27. Кононов А.Н. История изучения тюркских языков в России. Л., Наука 1988
28. Кузнецов А.М. Некоторые теоретические проблемы семантики последних десятилетий. // Лингвистические исследования в конце XX века. Сборник обзоров, М., 2000
29. Лингвистическая типология М.: Наука, 1985
30. Маслова В.А. Когнитивная лингвистика. Минск, 2004

31. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 16. Лингвистическая прагматика. М.: Прогресс, 1985
32. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 21. Новое в современной индоевропеистике. М.: Прогресс, 1980
33. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. 23. Когнитивные аспекты языка. М.: Прогресс, 1980
34. Плоткин В.Л. Строй современного английского языка. М.: 2000
35. Потапова Р.К.Слоговая фонетика германских языков. М.: высшая школа. 1986
36. Птинципы типологического анализа языков различного строя. М.Наука, 1972
37. Салиев И.С.Категориальная сементика существительного и прилагательного. Т.:Фан, 1985
38. Сатимов Г.Х. Типология безличных предложений. Т.: Фан, 1987
39. Сафаров Ш.С.Принципы системно-семантического анализа синтаксических единиц. Т., 1983
40. Селеверстрова О.Н. Контрастивная синтаксическая семантика. Опыт описания. М.:Наука 1990
41. Семантика и категоризация. М.:Наука, 1991
42. Сравнительно-историческое изучение языков разных семей. Современное состояние и проблемы. М.Наука, 1981
43. Шестеркина Н.В. Лексико-сементическая типология германских языков. Саранск, 1989
44. Щур Г.С.Теории поля в лингвистике. М.:Наука, 1974
45. Юсупов У. К. Проблемы сопоставительной лингвистики. Т.: Фан, 1980
46. Fillmore Charles J. Remarks on Contrastive Pragmatics. In - J.Fisiak (ed.), contrastive linguistics-Prospects and Problems. Padstow 1984
47. Roget Thesaurus www.thesaurus.com

